



Мамлакатимизда ҳозирда вужудга келаётган узлуксиз таълим тизими таркибида яна бир муҳим тизим шакллантирилмоқдаки, бу ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан баркамол бўлиб етишишлари учун асосий омил бўлган спорт соҳаси билан боғлик. Олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги “Универсиада”,



мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, оддий шарт-шароит яратилмаганлиги таңқид қилинди. Ушбу мусобақалар нинг туман, вилоят, республика босқичлари бирдек юқори савияда ўтишини таъминлаш учун мавжуд муаммо ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш масъуллар зиммасига юкланди. Бу ишга вило-

ШУЖУР ҚАДЫМ ҚАЙРДЫК

Тарқатилаётган ҳар бир ахборот биринчи галда тарқатувчининг мақсад-муддаосини ўзида жамлаган бўлади. Бахил киши икки дўст ўртасига нифоқ солиб бирор-бир фойда олмаса-да, уларнинг ўзаро жанжалини кўриб “ҳузурланади”. АҚШнинг халқаро терро-ризмни таг-томири билан йўқ қилиш мақсадида уларнинг “раҳна-мо”ларига бошпана бўлган Афғонистондаги толиблар эгаллаб тур-ган жойларни бомбардимон қилишни бошлаган ilk кунларда мам-лакатимизнинг ушбу ҳарбий амалиётга муносабати, чегара ҳудуд-ларимиздаги вазият кўпгина хориж оммавий ахборот воситалари-да нохолис тарзда талқин килинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур воқеалар юзасидан берган Баёноти мустақил Узбекистоннинг ҳар қандай ички ташқи сиёсий аҳволга ўз қатъий қараши борлигини, бу эса биринчи галда юртимиз осойишталиги, элимиз тинчлигини, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга асосланажагини яна бир бор исбот этди.

Албатта, ватандошларимиз олдида Она-Ватан тушунчаси қанчалик теранлашган бўлса унинг сарҳадлари ҳам шунчалик улар қалбига яқинлашмокда. Зеро, унинг мустаҳкамлиги, дахлсизлиги ҳар биримизнинг тақдиримиз билан чамбарчас боғланган. Биз буни мамлакатимизнинг жанубий чегараси бўлмиш Сурхондарё, аниқроғи, Термиз шаҳрига борганимизда янада равшанроқ ҳис этдик. Ўз она шаҳри — Термизнинг қутлуғ 2500 йиллик тўйини нишонлашга тараддуланаётган термизликлар руҳияти кўтаринки. Айниқса, бу жараён вилоят таълим-тарбия муассасаларида ўзгача иштиёқ билан олиб борилмокда. Умумтаълим мактаблари ўқувчила-

Vatanımız sarhadlarida

ри, ўқитувчилари билан бўлган сұхбатларимизда уларнинг сўзларидаги дадиллик, келажакка бўлган қатъий ишонч гўёки сарҳадларимиз мустаҳкамлигидан далолат сифатида кўнглимизни тўлдирди.

— Бизнинг туманимиз Афғонистон Республикаси билан чегара-
дош. Ота-боболаримиз, олис аждодларимиз шу ерда яшаганлар,
мехнат қилганлар, инчинун, биз ҳам ота-боболаримиздан мерос
қолган ушбу маконда яшаяпмиз, мехнат қиласаяпмиз, — деди биз
билан суҳбатда Музработ тумани ҳокимининг муовини Чори Пир-
назаров. — Тўғри, афғон тупроғида нотинчлик. Турган гапки, дарё-
нинг нариги соҳилида кечаётган нохуш воқеалар бизларни ҳам
бефарқ қолдираётгани йўқ. Кўшниларда бўлаётган воқеалар ҳақида
ҳаққоний гаплар айтилаяпти. Аммо баъзан миш-мишлар ҳам унда-
бунда пайдо бўлаяпти. Гоҳо эшишиб ҳайрон қолаяпмиз. Гап шун-
даки, бизда ҳеч ким саросимага тушаётгани йўқ. Ҳар ким ўз иши
билан банд. Дехқон далада, зиёли ўз иш жойида, ўқувчи мактабда
ўз машғулоти билан банд. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз
ички бир интизом, қатъиятлилик билан ва, албатта, огоҳ бўлиб, иш-
ларимизни амалга ошираяпмиз. Агар хабарингиз бўлса, вилояти-
мизга дунёning турли мамлакатларидан журналистлар келишган
Улар ҳозирги аҳвол билан яқиндан танишгач, эшифтганларининг барис
миш-миш эканлигига икрор бўлишди.

Хуллас, ҳудудининг анча қисми Афғонистон билан чегарадош бўлган Музработ туманинг одамлари ҳар йилдагидек ўз ташвишлари билан банд холда кишга пешвоз боришимокда.

Шунингдек, биз Сариосиё, Узун туманларида ҳам бўлиб, асосањ таълим-тарбия масканлари ҳаёти билан танишдик. Уларнинг бар-часида қайноқ фаолият ҳукмрон. Албатта, мавжуд муаммолару кам-чиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Муҳими, уларнинг ечимини топишга бартараф этишга харакат бор.

Биз Сурхондарёдан шукур қилиб қайтдик, шов-шув изидан Қувиб ёки зиддиятли вазиятни кўришни истаб борган айримлардек ҳаф саламиз пир бўлгани йўк.

Абдусамат РАҲИМОВ
“Маърифат”нинг махсус мухбири

Тошкент – Термиз – Тошкент

ИСЛАМ — ЭЗГУЛІК ДІНИ

Диёrimiz мусулмонлари Қуръони карим, ҳадиси шариф, отабоболаримиз амал қилиб келган Имоми Аъзам мазҳаби кўрсатмалариға риоя этиб, жаҳондаги барча илфор халқлар каби юксак тараққиётга, фаровон ҳаётга интилиб, ўз ҳаётида ҳам дунёвий, ҳам диний билимлардан баҳра олган ҳолда олижаноб мақсадларни кўзлаб яшамоқда. Бундай имкониятга эга бўлган мамлакатга жиҳод Эълон қилиш ҳеч бир қуюшқонга сифмайди.

Шу ўринда “жиход” сўзи ва унинг қўлланиши ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз деб биламиз. Бу сўз лугатларда жидду жаҳд, саъй-ҳаракат маъноларини англатади. Жиход, аввало, нафснинг хуружи ва шайтоннинг васвасасига нисбатан қўлланиладиган амалdir. Шундай экан, жиход сўзини фақат жангу жадал маъносида ишлатиш мутлақо нотўғридир.

Бизнинг диёrimиз қадим-қадимдан бутун дунёга ислом нури-ни таратиб келган азиз-авлиёлар юрти бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Маргиноний, Имом Мотуридий каби ислом асосларини тиклаб кетган буюк зотлар бизнинг замини-мизда туғилиб, уларнинг муборак хоклари шу муқаддас тупроқда мангу ором топган. Мана шундай ҳур диёрда яшаётган тинчликсе-вар халққа қарши жиҳод эълон қиласиз, деб дўқ ураётган ваҳший ва манфур кимсаларнинг аслида ислом динига ҳеч қандай алоқа-си йўклигини шунинг ўзиёқ исбот этмайдими?

(Давоми 7-бетда)

(Давоми 2-бетда)

Янги таҳрирдаги низом тасдиқланди

2-3-4-бетлар

Mehmonxonan

Инсулиннинг кашф этидииши

«Рекорд» совринли суперкроссворди

14-15-бетлар

(Давоми.
Боши 1-бетда)

берадиган ўқитувчилар-
нинг билимларини тако-
миллаштиришга амалий
ҳамда назарий ёрдам бер-
адиган тренерлар тайёр-
лашни кўзда тутган ҳолда
олиб борилди.

ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ МАҚСАДЛИ КУРСЛАР ИШ БОШЛАДИ

Маърузаларни А. Авло-
ний номидаги ПХКТМОМИ профессор-ўқитувчилари Н. Ремеев, С. Зиёев, Б. Ис-
ломов, С. Усмонов, юкори-
да таъкидланган фанлар-
га оид дастур ва дарслар-
нинг муллifiларидан О. Мусурмонова, С. Нишо-
нова, У. Маҳкамов, О. Ҳасанбоевалар ўқиди-
лар. 31 октябрь куни курс
тингловчилари Тошкент шаҳридаги 223-мактабда

бўлиб, илғор педагогик тех-
нологиялар асосида ташкил
этилган очик дарсларда иштирок этилди. “Одобно-
ма” дарсини Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Адолат Немматова, “Ватан туйғу-
си” дарсини Наргиза Раҳматова, “Миллий истиқлол

лифларидан бири Мурта-
зо Каршибоев, “Маънави-
ят ва маърифат” маркази
раҳбари ўринбосари Сул-
тонмурод Олим, Марказ
бўлим мудири Муҳаммад-
жон Куронов “Миллий ис-
тиқлол гояси: асосий ту-
шунча ва тамойиллар” фа-

қай йўсунда олиб бориш ло-
зимлиги юзасидан сухбат
ўтказиши. Кампаниявоз-
ликка берилмаслик, гояни
гоя деб эмас, амалий фао-
лият, ўқувчиларга яқин ва
тушунарли мисоллар воси-
тасида сингдириб бориш
лозимлигини таъкидлаши.



Rasmiy bo'lim

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий кўмитасининг “Маърифат” газетаси кунлари ўтказиши тўғрисидаги кўшма бўйруғи имзоланди.

Унга кўра, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккичи бос-қич вазифаларини амалга оширишдаги, шунингдек, барча таълим турлари ўкув дастурларига киритилган “Миллий истиқлол гояси: асосий ту-
шунча ва тамойиллар” фанини ўқитишни самарали ташкил этилди
матбуотнинг, хусусан, “Маърифат” газетасининг ўрнини инобатга ол-
ган ҳолда ва унинг 10 йиллиги (турли номларда чиқа бошланганинг
70 йиллиги) муносабати билан газета фаолиятини янада тако-
миллаштириш, самардорлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон
Республикаси халқ таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят-

«Ma'rifat» ГАЗЕТАСИ ЖУЖАДРИИ БОШДАДИ

лар халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари тасарруфидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари ҳамда барча олий ўкув юртларида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида “Маърифат” газетаси кунлари” ўтказилди.

Худудларда “Маърифат” газетаси кунларини ўтказиши билан боғлик тадбирлар режаси тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълим вазирлиги, вилоятлар, туман ва шаҳар ХТБ, ЎМКХТБ, олий ўкув юртларига мажбур режага асосан ўз тадбирлари режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъминлаш юқлатиди.

Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирlikлari қошида мажбур ишларни ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи тасдиқланди.

“Маърифат” газетаси таҳририятига ўз фаолиятини янада тақомиллаштириш, муштариylар эҳтиёжини ўрганиш мақсадида газета орқали, шунингдек, учрашувлар даврида махсус сўровлар ўтказиш, уларни таҳлил қилиб, келгуси иш режасига киритиш вазифаси юқланди.

Жойларда бўлиб ўтадиган “Маърифат” газетаси кунларини якунлаш ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни муҳокама этиш ҳамда барча таълим тизими матбуот нашрлари фаолиятини бугунги кун талаблари дараҷасида ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳрида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида таълим нашрларининг ўрни” мавзусида семинар-кенгаш ўтказилиши кўшма бўйруқда белгилаб кўйилди.

гояси ва маънавият асосла-
ри” ўкув фанидан машгулот-
ларни Гулчехра Муҳамме-
дова каби ижодкор ўқитув-
чилар олиб бордилар. Дар-
слар таҳлил килинди.

Курс тингловчилари 1 но-
ябр куни машгулот-мул-
котларини Ўзбекистон Респ-
убликаси “Маънавият ва
маърифат”. Марказида ўтказдилар. Уларга Ўзбе-
кистон Файласуфлари мил-
лий жамияти раиси Киёмид-
дин Назаров, дарслар мулл-

ини ўрганишнинг аҳамияти”, “Жамиятияннига ва
бунёдкор гоялар”, “Вай-
ронкор гоялар, уларнинг
реакцияни мөхиёт”, “Гоя-
вий тарбиянинг услуб ва
воситалари” мавзуларида
маърузалар ўқиб, мулокот,
савол-жавоб ўтказдилар.
Маърузачилар миллий ис-
тиқлол гоясининг аҳамияти
ҳақида сўзлаб, унинг асосий ту-
шунча ва тамойиллари, жамият ривожида-
гиди ўрни, гоявий тарбияни

маърузалардан сўнг
тингловчиларни тақлифи
билан “Маънавият ва маъ-
рифат” маркази ходими, шоир
Турсуной Содикова ҳам
муаллимлар билан сухбат
ўтказди. Уларни кизиқти-
рсан саволларга жавоб
бериб, шеър ўқиди. Шоира
ҳам миллий истиқлол гояси-
ни ўкувчилар онгига осон
сингдириш лозимлигини
таъкидлаб ўтди.

Х.НИШОНОВ

Ўкувчи онгига шунчаки
қизиқиши ўйғотган ас-
боб, ўқитувчи туфайли ўз
мохиётини намоён қила-
ди. Ўкувчи ажиб иштиёқ
билан ўрганаётган ер
илми, унинг келажак
ҳаётида ўз самарини
бермай қолмайди, албатта.
17 йилдан бўён Мар-
ҳамат қишлоқ ва сув
хўжалиги касб-хунар кол-
лежида ўз меҳнат фао-
лиятини олиб бораётган,
Раъно Мадраҳимова
қўзларида ўкувчиларига
бўлган меҳри илғаб
олиша қийин эмас. Устоз
қўзларига тикилар экан-
сиз, бу кўзлардан ўз кас-
бига бўлган муҳаббатни
англайсиз холос.

Суратда: Раъно Мадраҳимова геодезия фани-
дан дарс олиб бормоқда.

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ

“Маърифат” доимий ҳамроҳим, доно маслаҳат-
чим. Унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан ку-
таман. Газетанинг “Куч — билим ва тафаккур-
да” шиори менга киши доим маънавиятини бойи-
тишига, комилликка интилишга ҳаракат қилиши
лозимлигини эслатиб туради. Кўп ўқишига ундаиди.

Хозирги кунда биз таълим-тарбия бериб кела-
ётган ёшлар орасида ҳам истеъодод эгалари — қоби-
лиятли, зеҳни зўр ўқувчилар кўп. Уларни ажодод-
ларга муносабиб ворислар қилиб тарбиялашида “Маъ-
рифат” газетаси биз ўқитувчиларга беминнат
дастёр.

Газетада бериладиган ҳар бир мақола эътибо-

“Obuna — 2002”

римизда. Унинг “Мулоқот”, “Хотира”, “Меҳмон-
хона”, “Нобель мукофоти соҳиблари” руҳни ости-
даги мақолаларини севиб ўқиёмиз.

Мактабимизнинг собиқ ўқувчиси, шоир Норму-
род Нарзуллаев “Меҳмонхона”нинг меҳмони бўлга-
ни бизни қувонтирган эди. Менимча, “Меҳмонхона”
руҳнида оддий қишлоқ ўқитувчилари билан ҳам
сұхбатлар уюштирилса, уларнинг ўй-фикрлари, ин-
тилиши изланишлари билан танишиб борилса, яна-
да яхши бўлар эди.

Янги йилдан севимли нашримизнинг ҳажми кен-
гаяётгани биз ўқитувчиларга маъқул тушди. Жа-
моамизда энг кўп ўқиладиган газета — “Маъри-
фат”. Биз ўз севимли газетамиздан келгуси йилда
ҳам ўқитувчилар фаолиятининг ёрқин қираларини
очиб берадиган очерклар, лавҳалар, эсслар кутиб
қаламиз. Бу борада таҳририята мөхнат қилаёт-
ган ижодкорларга куч-қувват ва ижодий мувоффа-
фақиятлар ёр бўлсин, деймиз.

Бахтиёр РАЖАБОВ,
Касби туманидаги 12-ўрта мактаб
ўқитувчisi

“Olimpiada—2002”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 25 марта даги 157-сонли “Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Карори асосида Республика умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўтказилаётган олимпиадалар ўкувчилар орасидан истеъододли ва кобилиятли ёшларни танлаб олиш ва тарбиялашда, улардаги ижобий фазилатларни рўёбга чиқаришида мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатади, кейинги йиллар давомида Республика миқёсида ташкил этилаётган фан олимпиадаларида хар йили 60 дан зиёд ўкувчилар ўз истеъододлари ва билимларини намоён қилади, мазкур карор асосида Республика умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўтасида ўтказилаётган фан олимпиадаларини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасиning “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўтасида ўтказилаётган фан олимпиадаларини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Яқинда маёкур йўналишдаги ишлар самародорлигини ошириш ва ривожлантириш, ўкувчилар истеъодод ва қобилиятини ўз вакти-

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ НИЗОМ ТАСДИКЛАНДИ

да рўёбга чиқаришига имкониятлар яратиш мак-
садида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кўшма хайъат мажлисида “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари тўғрисида янги таҳрирдаги Низом тасдиқланди.

Кўшма қарорда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари тўғрисида янги таҳрирдаги Низом тасдиқланади.

Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси (А. Зокиров)га, Республика Таълим маркази (Г. Алимова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (Р. Ниматов) билан ҳамкорлика 2001 йил 25 октябрьга қадар тасдиқланган янги таҳрирдаги Низом асосида Республика фанлар олимпиадаларини ўтказиш юзасидан тавсиянома ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва жойларга етказиши вазифаси юқлатилиди.

Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими, шунингдек, ўрта махсус таълими вилюятларидаги 2001-2002 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўтасида умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларининг тегишли барча босқичларини янги таҳрирдаги Низом асосида ўтказишни таъминлайдилар.

“Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари, “Халқ таълими”, “Касб-хунар таълими” журнallари ва “Таълим тараққиёти” ахборотномаси таҳририятиларига эса олимпиадаларининг ўтказилиш жараёнини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш вазифалари топширилади.

Ушбу ҳайъат қарори қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 4 априлдаги 3/3 сонли ҳайъат қарори ўз кучини ўйқотганди, деб хисобланади.

Газетамизнинг 3, 4-саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 19 октябрьдаги 69-сонли Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 31 октябрьдаги 9/5-сонли кўшма хайъат мажлиси қарорига ишлов, яъни янги таҳрирдаги фан олимпиадалари ҳақида Низом билан танишасиз.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбек деган миллияттің қадимда ҳам ва ҳозирда ҳам алломалари күпdir. Бундай олиб қараганда, ҳар ким ҳам олимликка дағынор болулмайды. Оллох томонидан истихъод берилген кишигина бу мартабага эришади.

...У кишини ҳафтанинг маълум кунларида "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқарыш бирлашмасида учратиши мумкин. Йигинлар ва тадбирларнинг түри у кишиник. Замонамиз алломасини йўқловчилар, ундан маслаҳат сўровчилар кўп.

Сиз ҳам у киши ҳақида биласиз, эшитгансиз: академик Восил Қобулов. Мехмонимиз бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлади. Биз у кишининг умрига умр қўшилишини тилаган ҳолда, "Мехмонхона" мизга чорладик.

— Биз янги асрни бошлидик. Инсоният босиб ўтган тарих ҳақида бизнинг билгиларимиз денгиздан томчидек гап. Бугунги ҳаёт ҳам бориб-бориб олис ўтмишга айланади. Тарих ва келажак ҳақидағи сизнинг фикрингиз?

— Ўтмиш ва келажакка бугундан туриб қараймиз. Бугун шу маънода тарих ва келажак ўтасидаги кўприкдир. Тўғри таъкидларнинг, инсоният жуда катта тарихга эга. Ер юзида қанча миллат ёки элат бўлмасин, уларнинг ўзига хос ўтмиши, бугуни ёки истиқболи бор.

Мен шу нарсага аминман, одамзот ўт тарихда қанчадан-қанча уруш, тўфон, табиий оғат, иқтисодидек ёки маънавий таназзулларни кўрган бўлмасин, унинг шиори тараққиёт сари интилиш бўлган. XIX асрда яшаб ўтган испан сиёсий арбоби, ёзувчи Кастеларнинг бир гапи бор: "Халқлар тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффакиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун, ҳаётларнинг негизида тараққиёт фоялари ётиши керак".

Тараққиётга гов бўлувчи кулфатлардан бири урушдир. Эхе, инсоният не бир урушларни кўрмади. Ўзим гувоҳи бўлган, унинг мусибат ва аламларини бошдан кечирган иккинчи жаҳон уруши қанчадан-қанча қурбон ва вайронагарчиликлар келтириди. Ҳозир ҳам дунёнинг айрим мамлакатлари нотинч. Терорчи гурухларнинг АҚШ ҳалқига етказган жабур ситамини ҳеч бир киши кечирмаса керак. Фаластин, Исландаги зиддиятлар ҳалқнинг тинка-мадорини қуритмоқда.

Ер юзида тинчликни сақлаш, тараққиёт сари юзланиши азал-азалдан мавжуд эди, ҳозир ҳам бу ниятини амалга ошириш учун кураш тўхтагани ўйқ. Умуман, ҳалқлар бирлашса, ўзаро келишувни ўйла қўйса, тинчлик деган улуф неъмат инсониятнинг доимий нашидасига айланади, бундай фикр тинчликсевар кишиларнинг барласига хосдир.

— Сизин Ўзбекистонда "Кибернетиклар мактаби"нинг асосчиси" дейишади. Юртимизда бу фаннинг пайдо бўлиши қайси даврларга бориб тақалади ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини нима билан ўлчаш мумкин?

— Ўзбекистонда кибернетиканинг пайдо бўлиши яқин ўтмишга бориб тақалади. Бу фаннинг негизида ҳалқ ҳужалигининг барча тармоларни автоматлаштириш ётади. Ўтган асрнинг 50-йилларида кибернетиканинг дастлабки қадамлари ташланган. 1956

Мактаб йиллағимда, менга нафакат фанлаған, балки тәжірибелерден ҳам сабак берген үстозларнинг барласига құлшық, қиламан.

Мехмонхона



Йилда ЎзФА математика институти қошида хисоблаш бўлими мавжуд бўлиб, мени шу ерга раҳбар этиб тайинлашган эди. Бу соҳадаги ёш олим бўлганим боис, шу вақтга қадар Москвага бориб келишга, ачамунча мутахассислар билан танишишга муваффақ бўлган эдим. Иккى йилдан сўнг, "Урал-1" электрон хисоблаш машинасини ишга туширидик. 1966-йилда кибернетика институтига асос солинди. Ўтган давр мобайнида соҳада туташ мухит механизми масалаларини ечиши алгоритмлаш, ишшоотларнинг зилзила-бардошлигини таъминлаш ҳалқ ҳужалигининг автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ишлаб чиқар, математик, техник, иқтисод, тиббиёт ва биология кибернетикаси

йўлга кўйилади.

Иқтисодни режали ривожлантиришдан бозор иқтисодига ўтган Ўзбекистон ўз таракқиёт йўлини белгилаб олди.

Илм-фан соҳасида ўз иқтидорини намоён этса. Чунки илм ўйли савобларнинг энг улудидир. Ҳаётда битта муаммога олимлар ечим топишса, минглаб кишиларнинг мушкули осонлашади. Мен истардимки, фарзандларимиз ўз ота-боболаридан колган ёзма манбаларни синчиклаб ўргансалар. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, томонидан яратилган илмий асарларни кимки ўрганишга вақт сарфлабди, у ўз келажагига пухта замин кўйибди. Мен вақт деган қайтарилимас, улуф ҳакамга муносабатда жуда тежамкорлик керак деб ўйлайман. Чунки одамзот ҳаётни тежалган вақтга қараб узаяди. Соатлаб гап сотиш, телевизор қаршисида 6-7 сатлаб ўтириш, вақтини маишатбозликка сарфлаш оқиларнинг иши эмас.

— Оила даврасида ва шахсий ҳаётда сиз ўз фарзандларнинг тарбия беришда нималарга таянгансиз?

— Шахс ва камолот тушунчи ҳеч қачон, ҳеч қайси даврда ўз аҳамиятини йўқотмаса керак. Фарзандлар тарбиясида аждодларимиздан қолган ибратли анъана-ларга таянганиман. Рафиқам Насиба-хон билан 50 йилдан ошибдики, бирга умр кечириб

на тақсимлашда катталар бош бўлиши лозим.

— Сиз табаррук ёшдағи инсонсиз, ҳаётий тажрибангиз, билимингиз мўл-кўл. Бундай кезда киши дўппини бошидан олиб, ҳаёлга толади. "Мен англаб етган фалсафа нима?" деб ўзига ўзи савол беради...

— Мен англаб етган фалсафалар жуда кўп. Булар орасида мени қўйнайдиган биттаси бор, қилган ишларимдан кўра қилмаганларим кўпроқ экан. Ўз замонаси нинг етук алломаси Беруний ҳам ана шу ҳикматни айтган. Чиндан ҳам мулоҳаза қилиб кўрсангиз, инсон ўлчоғлик умрида ўзи мўлжаллаган, орзу қилган ишларнинг ҳаммасини амалга ошира олмайди.

— Албатта, сизнинг эл назарига тушган академик бўлишингизда ўз ўйлайтиклирларни бериб турган устозларнинг бўлган. Сиз улардан қайси бирларини ёд этасиз?

— Устозлар сабогига содиқ қолдим. Улар илм-фан бобидагина эмас, ҳаётда ҳам ўз шахсий ибратлари билан юрагимдан жой олиши. Муҳаммаджон Ўрзобеев, Ҳ.Рахматуллин, Ҳ.Абдуллаев, Т.Саримсоқов, Қори-Ниёзий, Сироиддинов каби таникли, машҳур олимлар билан ҳамкорликда ишлаш менга насиб этган эди. Уларнинг охиратлари обод бўлишини яратгандан сўрайман.

Канада, Болгария, Польша, Нидерландия давлатларидан бўлишим, энг нуғузли "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланишим, Беруний мукофотига лойик топилишим, қанчадан-қанча шогирдлар етиширишим—буларнинг барчаси устозларим туфайли...

— Мактаб деган муборак остана ўзининг қайси жиҳатлари билан хотирангизга муҳрланган? Мураббийларнингиз...

— Эсимда, менинг илк ўқувчилик йилларим, Тошкент шаҳридаги 45-ўрта мактабда ўтган. Отам хунарманд эди, ул зот ўз фарзандларига факат ҳалол луқма едирган. Айни чоғда уларнинг илмли бўлишларига ҳам йўл очиб берган.

Мактаб йилларимда, менга нафакат фанлардан, балки тўғри тарбиядан ҳам сабак берген устозларнинг барласига қўллук қиламан. Ҳозир уларнинг аксарияти орамизда йўқ, аммо зурриётлари бор. Мен уларнинг оиласи тинч, осуда, фаровон бўлишини тилаб қоламан.

— Сўнгги савол сал ногаинавийроқ. Сиз юқорида "Илм ўйли савобларнинг энг улугидир" деган пурмаъно сўзни айтдингиз. Буни "Маърифат" мухлислари—ўқитувчилар эмас, балки уларнинг дарсини тинглаётган миллионлаб қоракўзлар қандай қабул қилишини истардигиз?

— Ўқиган, уқкан инсонларнинг барласига ҳаётдан ўз муносабати үринларини топадилар. Демак, ёшлар ўқишин, билим эгаллашсиз, бу уларни комиллик манзилига элтади.

Сұхбатдош Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Восил Қобулов:

ИЛМ ЙУЛИ САВОБЛАРНИНГ ЭНГ УЛУГИДИР

ривожланди.

Ҳозирги пайтда институтни "Кибернетика илмий ишлаб чиқарыш" маркази деб номлашдан кўра "Замонавий информацион технологиялар илмий-техникавий маркази" деб аташ мақсадга мувоғиқ деб топилди. Марказда банк, молия соҳаларини, нефт, газ, энергетика, курилиш, темир йўл тармоларини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришнинг истиқбол режалари ишлаб чиқилмоқда.

Умуман, 10 га яқин йўналиш устида марказ олимлари йирик тадқиқотлар олиб боришаёт. Булар сирасига алгоритмлаш, сунъий тафаккур, тасвири танлаш, автоматлаштириш наризияси ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

— Биласизки, илм-фан тараққий этиб, ўса олиши, шон-шарафга бурканиб, муваффакиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун, ҳаётларнинг негизида тараққиёт фоялари ишлаб чиқилади.

— Агар инсониятнинг ўтмишга разм соладиган бўлсак, ўз турмуш тарзида учраётган муаммо ва мушкулоптарни бартаради этишида ҳамиша фанга мурожаат қилган. Ҳаёт доимий ҳаракатда, демак, у фаннинг олдига янгидан-янги вазифаларни кўяверади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунё ҳаммиятига қўшилиши, унинг илм-фан соҳасига катта талабларни

кеялпимиз. Фарзандлар тарбиясида унинг жуда катта хизмати бор. Шукр, улар ҳам ўзим сингари илм-фан йўлидан кетишиди. Истардимки, невараваларим ҳам шу йўлдан борса...

— Бугунги кунда таълим

учоқлари жуда кўп, улар узлуксиз жараённи бошдан кечирмоқда. Бу жараёнда

сиз илғаган муаммолар борми ва агар бўлса қандай бартараф этиш мумкин?

— Сиз айтиётган таълим учоқларини ташкил қилишдан кўзланган мақсад Президентимиз, қолаверса, бутун Ўзбекистон ҳалқи орзу қилган баркамол авлодни яратишидир. Шинам, ёруғ синфхоналарда компютер техникасини эгаллаётган ёшларни кўриб ҳавасим келади. Таълимнинг мақсади ҳам ўқувчи ўшларни инсониятнинг энг эзгу сифатлари, маданий ва маънавий мерослари билан таништиришидир. Аммо улар мазмунни, ўқитувчи-устоз шахсияти, жамият тузилмалари ва амалий ҳаётда мужассамлашсагина самара-келтиради.

Таълим тамойилларини юзага чиқаришида, табиити, ўзига хос муаммолар кўп. Хох мактаб, хох лицей, хох коллеж ёки институт бўлсинг, унда таълим олаётган ёшларга ҳозирги замон талаблари дарражасида билим берилиши керак.

Ёшларни турли заарали оdatлар ботқоғидан асраш керак. Юқорида таъкидладим, уларнинг вақтларини оқило-

Ўзбекистон
Республикаси Ҳалқ
таълими вазирлигининг
2001 йил 10 октябрдаги
147-сонли буйруғи билан
тасдиқланган

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ХОНАСИ ТҮГРИСИДА

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъккамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимим ташкил этиши түгрисидаги" қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий ўрта таълим мусассасалари ўқувчиларига касбий ахборотлар ва маслаҳатлар бериш, касбий ташхис қўйиш, уларнинг қобилияти, мойиллиги, қизиқишилари ва кўникмаларини хисобга олган ҳолда, академик лицей ёки касб-хунар коллажларида тайёрлов йўналишларини танлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

1.2. Ўқувчиларни «касб-хунарга йўналтириш хонаси ўз фаолиятида "Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психолого-педагогик Республика ташхис Маркази" түгрисидаги Низом ва мазкур Низомга асослашади.

II. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасининг асосий вазифалари

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси кўйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

2.1. Ўқувчиларни тегишли ҳудудлардаги корхоналар фаолияти билан танишириш, ҳар бир касбнинг ижтимоий мавқеи, инсонга кўйиладиган талаблари ҳақида ўқувчилар орасида тушиунишни ташкил этиши; ҳудудда мавжуд касб-хунарлар ҳақида ўқитувчилар ва мураббийлар, соҳа мутахассис-

лари билан ҳамкорликда махсус кечалар, давра сұхбатлари, кўрик-тандловлар ва турли мусобакалар ўштириш.

2.2. Ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтиносликлар таснифлагичаги маълумотлар билан танишириш. Ўқувчиларнинг касб-хунарга лаёқати, қобилияти ва кўникмаларини ташхис этиши ишларини мунтазам равишда олиб бориш. Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, интилиши ва лаёқатлари, эришган ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ва бу ҳақда ийлма-йил олинган маълумотлар банкини ташкил этиши, таҳлил этиши ва уларни ўқувчининг ташхис дафтарида қайд этиб бориш.

2.3. Ўқувчиларни танлаган касби юзасидан ҳар йили тиббий-педагогик текширишлардан ўтказиши.

2.4. Болаларга ва ота-оналарга ўқувчиларни ўқитишида, тарбиялашда ва ижтимоий мослаштиришда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишни ташкил этиши.

2.5. Ўқувчилар ва ота-оналарга касбий маслаҳатлар бериш.

III. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳуқуқий макоми

3.1. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг ҳуқуқий макоми, касб-хунарни танлаш, эгалашга оид Ўзбекистон Республика-

сининг амалдаги қонунлари, умумий ўрта таълим мактаби түгрисидаги Низом ва мазкур Низом билан белгиланади.

3.2. Касб-хунарга йўналтириш хонаси-ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи, уларни касб танлаш ва касбга йўналтириш қоидалари билан таниширишга ихтиослашган маҳсус даргоҳ хисобланади.

3.3. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудири ўкув муассаса раҳбарининг тавсиясига биноан туман, шаҳар ҳалқ таълими бўлими томонидан тайланади ва ўз ваколати доирасида ўкув муассасаса раҳбарияти номидан юкори ташкилотларга ташаббус билан мурожаат этиши ҳуқуқига эгадир.

3.4. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудири ўзи бажарадиган ишларига зарур бўлган атрибуллар ва жиҳозларга эга бўлади ва хонага бириктирилган мулкни бошқаради ҳамда тасарруф этади.

3.5. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг мудири ташхис Маркази ва мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда, ўз ва-зифаларини бажариш учун фолијат юритишнинг кулагай шакл ва услубларини танлайди, ўз ваколатига тегишили масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар билан таъминланиш ҳуқуқига ҳамда уларни бажаришга оид ёрдам олишга ҳақлидир.

VI. Касб-хунарга йўналтириш хонаси-ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказила-диган тадбирлар.

5.1. Касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказила-диган тадбирлар.

5.2. Директор: Директор ўринbosарлари, мактабнинг касбга йўналтирувчи мутахассиси, синф раҳбари ва ўқитувчиларининг ўқувчиларни касбга йўналтириш қоидалари билан таниширишга ихтиослашган маҳсус даргоҳ хисобланади.

5.3. Синф раҳбарлари: Мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг касб танлаши бўйича ишларни олиб боради ва мактаб психологи билан бирга ҳар бир ўқувчи қобилиятини, қизиқиши ва мойиллигини диагностика усулада аниқлаиди.

5.4. Болалар етакчиси: Касб-хунарга йўналтириш хонаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг касб танлаши бўйича ишларни олиб боради ва мактаб психологи билан бирга ҳар бир ўқувчи қобилиятини, қизиқиши ва мойиллигини диагностика усулада аниқлаиди.

5.5. Синф раҳбарлари: Мактабнинг касб-хунарга йўналтириш хонаси билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг касб танлаши бўйича ишларни олиб боради ва мактаб психологи билан бирга ҳар бир ўқувчи қобилиятини, қизиқиши ва мойиллигини диагностика усулада аниқлаиди.

5.6. Амалдаги қонунчиликда таъкилмаган бошқа маблағлар.

VII. Касб-хунарга йўналтириш хонаси фаолиятини қайта ташкил этиши ва түхтатиши.

7.1. Мактаб касб-хунарга йўналтириш хонасини қайта ташкил этиши ёки фаолиятини түхтатиши умумий ўрта таълим мактабларининг педагогик Кенгаши қарори асосида туман, шаҳар ҳалқ таълими бўлимлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

7.2. Касб-хунарга йўналтириш хонасининг фаолиятига тегишили даъволар мактаб маъмурияти орқали амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда қондирилади.

7.3. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси түгрисидаги Низомга илова ўтказиши.

7.4. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонаси түгрисидаги Низомга илова ўтказиши.

III. Касб-хунарга йўналтириш хонаси-ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказила-диган тадбирлар.

3.6. Давлат мулкининг асосий ва айланма маблағлари.

3.7. Бюджет хисобидан молиявий таъминлаш.

3.8. Бажарилган ишлар ва хизматлардан тушган даромадлар.

3.9. Ташкилотлар, ҳомийлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари.

3.10. Амалдаги қонунчиликда таъкилмаган бошқа маблағлар.

IV. Касб-хунарга йўналтириш хонаси-ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хонасида ўтказила-диган тадбирлар.

4.1. Президент И.А.Каримов асарлари. Майрифат, маънавият ва маданият соҳалини бўйича адабиётлар.

4.2. Ота-оналар бурчагидаги касб танлашига оид материаллар.

4.3. Дефектология бурчагидаги касб танлашига хос материаллар.

4.4. Психология бурчагидаги касб танлашига хос материаллар.

4.5. Тиббиёт бурчагидаги касб танлашига хос материаллар.

4.6. Касб танлашига йўналтирилган "Соғлом авлод" дастурига хос материаллар.

4.7. Касб танлашига йўналтирилган "Она ва бола" дастурига хос материаллар.

Касб-хунарга йўналтириш, касб танлаш ва касбни эгаллашга қартилган стендлар.

1-стенд. Мехнат ва касб-хунарга йўналтиришда ишлатиладиган атамалар.

2-стенд. Касблар олами ва касблар шажарасига оид рефератларнинг мавзуу-

лари.

3-стенд. Ўқувчилар томонидан мустақил равиша ташкиледиган ишларнинг мавзуулари.

4-стенд. Касблар ва шахс юзасидан ўтказиладиган баҳслар, сұхбатлар ва бериладиган маслаҳатлар.

5-стенд. Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга ўтказириладиган ёрдамлар.

6-стенд. Ўқувчилар учун ўзлаштирилиши лозим бўлган касбий билимлар.

7-стенд. Фотомонтаж, видео, буклетлар, рисолалар шаклларида тайёрланган материаллар.

8-стенд. Академик лицей ва касб-хунар коллажлари тарғибот стендлари.

9-стенд. Олий ўкув юртлари түгрисидаги маълумотлар.

10-стенд. Мехнат бозоридаги касбларга эҳтиёж.

Стендларга кўйилиши лозим бўлган материаллар

1-Мажмуавий материаллар. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга оид материаллар.

2-Мажмуавий материаллар. Ўқувчиларнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга оид тайёрлайдиган рефератлари.

3-Мажмуавий материаллар. Ўқувчилар билан касб танлашига йўналтирилган амалий машгулотлар.

4-Мажмуавий материаллар. Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавоб, баҳслар мавзуулари.

5-Мажмуавий материаллар. Ўқувчилар билан ўтказиладиган сұхбатлар мавзуулари.

6-Мажмуавий материаллар. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган касбий билимлар.

ИСЛОМ — ЭЗГУЛИК ДИНИ

(Давоми.Боши 1-бетда)

Шу кунларда жаҳон жамоатчилигининг бутун фикризикри Афғонистонга қартилганлиги бежиз эмас. Бу ердаги мураккаб вазият барқарорлашиб, тезроқ тинчлик ўрнатилиши бутун дунё халклари учун жуда ҳам мухимдир. Шу боис, халқаро террорчиларнинг пайи киркилиши зарур.

Шунингдек, Афғонистондаги террористик лагерларга қарши қилинаётган хужумлар тинч ахолига зарар етказмаслиги керак.

Афғонистондаги террорчиларга қарши АҚШ ва ер юзида бошқа мамлакатлар кураш олиб бораётган экан, халқаро терроризмнинг ўзигагина зарба берилётганини англаш лозим. Америка ҳукумати ҳеч қачон исломга ва мусулмонларга қарши қурашга ҳаркат қилмайди. Бу ҳозирда ҳаммага яхши аён. Шунинг учун бу кураш мусулмонлар-

га қарши бўлаяпти, деган фикрлар ҳам мутлақо ўринисиз.

Тинчликни сақлаш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб туриди. Куръони қаримда: "Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг, гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг!" дейилган. Бу ояти қаримадан шу нарса маълум бўладики, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчликнинг барқарор бўлишида бош омилдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларида: "Тинчлик ва хотиржамлик иккι улуғ неъматидир, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар", дейилган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг улуғ неъмати бўлмиш тинчликдан баҳрамандлик ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди. Чунки дунёнинг турли бурчакларида ёвузлилар, ноҳақ қон тўкилишлар буғуни кунда манфур кимсалар,

халқаро террорчилар томонидан содир этилмоқда.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳамюртларимиз халқаро терроризм нима эканини жуда яхши билади.

Шу ўринда Президентимизнинг халқаро терроризм тинчликнинг кушандаси, инсоният бошига тушган кулфат эканлиги, бундай жирканч иллатга қарши биргаликда курашиш лозимлиги ҳақида кейинги йиллар давомида қайта-қайта таъкидлаб келганларини ёслаш жоиздир. Ниҳоятда хушёр ва сергак туриб барчамизни огоҳликка чорлаб турган давлатимиз раҳбарининг бундай эзгу ишларини доимо қўллаб-куватлашимиз керак.

**Хожи АБДУРАЗЗОҚ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси
ўринбосари**

Талабалик — минглаб ёшлар орзузи. Аммо бу бахт кимларга насиб, кимлар бенасиб. Насибларни кўтлаб, тилак билдириш Тошкент тибиёт-педиатрия институтининг ҳар йилги анъанаидир.

Миллий
академик
драма теат-
р и г а
тўпланган

500 чоғлиқ 1-курс талабаларини дастлаб институт ректори, профессор Анвар Алимов қўтлади.

Таъбир жоиз бўлса, 1-курсга қабул қилинган талабани олис манзилга отланган сарбонга менгаш мумкин. Олдинда узундан-узоқ масо-

фа. У бу масофани қоқилмай-сурилмай бошиб ўтса, ҳамма жойда уни илиқ ва самимий кутиб олишади. Акс ҳолда... акси.

1-курс толибаси Севара Султонова 7 йил-

лик таъ-
лим жа-
рар ё ни
ҳар бир
йигит-қиз
келажа-

гининг пойдевори бўлишини айтди.

"Талабаликка бағишлов" тадбирининг бадиий қисмида театр ижодкорлари томонидан "Қор одам" саҳна асари намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

Ушбу ўйин мактаб шароитида алоҳида олинган фан бўйича билим ёки умумий савияни аниқлаш, ўқувчilar билимини мустаҳкамлаш, ДТСга мувофиқлини таҳлил этиш мақсадида ўтказилади. Ўйинни бошлови бошқариб, унда 2 нафардан 12 нафаргача ўқувчи иштирок этиши мумкин. Бағловчи ўзига бир неча ёрдамчи олайди. Шу тариқа 1 иштирокчи қолгунча навбатдаги давралар ўтказилади. Энг охирида қолган иштирокчи ғолиб хисобланади. Мутлақ ғолиб бўлиш учун унга яна 3 та савол берилади. Шунда ҳам камида 2 та тўғри жавоб берсагина ўйиннинг мутлақ ғолиби бўлади. Ўйинда 2 қатнашли қолиб, (?) сўрқ белгилар тенг бўлса, қўшимча давра ўтказилаверади. Томошабинлардан ёки бошқа иштирокчидан эшишиб олинган тўғри жавоб ҳисобга олинмайди. Дастворларда (?) сўрқлар тенг бўлиб қолса, қўшимча даврада биринчи сўрқ олган ўқувчи чиқиб кетади.

Куйида 10-синфда Алишер Навоий ҳаёти ва иходи бўйича тезкор жавоб ўйини учун саволлар намунасини келтирамиз.

1. Алишер Навоий қачон, қаерда туғилган?

2. Хирот қайси мамлакат пойтахти эди?

3. Хирот ҳозир қайси мамлакатга қарайди?

4. Алишернинг отаси ким эди?

5. Алишернинг онаси ким эди?

6. Алишер 3-4 ёшида кимнинг шеъридан ёд айтиб меҳмонларни ҳайратга соглан?

7. Алишерлар оиласи нечанчи йилда Ироққа кўчди?

8. Алишер Ироқнинг қайси шаҳрида кимнинг сұхбатига мұяссар болуди?

9. Алишерлар хонадони нечанчи йилда Хиротга қайтди?

10. Алишернинг отаси ким томонидан қайси шаҳарга ҳоким этиб тайинланади?

11. Алишер бу даврда қайси асарларни иштиёқ билан ўқиди?

12. Кейинчалик "Мантиқут тайр" асосида қайси асарни ёзи?

13. Алишернинг отаси қачон ва-

Куни кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазир С.Ғуломов, Фавқулодда вазиятлар вазири Р.Ҳайдаров, ДТМ директори М.Муҳиддинов ва бошқа масъул кишилар қатнашилар.

Йиғилиш Республика Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси ишларининг ахволи ва уларни тақомиллаштириш чораларига багишланди.

Бу хусусда сўзга чиқсан фавқулодда вазиятлар вазири Р.Ҳайдаров жумладан, шундай деди:

—Ўзбекистон Республикаси-

Hay'at majlisida

фавқулодда вазиятлар вазирлиги комиссиясининг текширув хуласасига мувофиқ, вазирлик тасарруфидаги деярли барча олий таълим муассасалари ва касб-хунар йўналишидаги коллежларда фуқаро муҳофазаси ҳолати бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Ваҳоланки, ҳаётимизда фавқулодда ва қалтис ҳолатлар учраб туриди. Оғоҳлик, сергаклик, ҳар қандай вазиятга тайёр туриш ҳаётий заруритага айланмоқда. Йиғилишдан "Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун педа-

БИРИ БИРИДАН ДОЛЗАРБ

да фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга кейинги йилларда жиддий аҳамият берилмоқда. Унинг асосий вазифаси тинчлик ва ҳарбий соҳада аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ ётишдан иборат. Бу борада олий таълим муассасаларида белгиланган вазифаларнинг ижобий ечими кўзга ташланмоқда. Бу фуқаро муҳофазаси, давлат таълим стандартларида алоҳида йўналиш сифатида қайд этилиб маълум соатлар ажратилган. Айниқса, 2001-2002 ўқув йилида 4 та техник, 6 та педагогик йўналишдаги университет ва институтларда фанини ўқитиш" бўйича Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицеида 36 соатга мўлжалланган электрон дарслик ишлаб чиқилган эди. Йиғилишда ундан барча академик лицейларда фойдаланиш таклифи ўртага ташланди.

Ҳайъат мажлисидаги масалаларнинг ҳаммаси ҳам долзарб. Демак, уларнинг ечимини галга солиб бўлмайди.

Фарҳод ИРДАШЕВ,
"Маърифат" муҳбири

ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ

Diydor

даргоҳига таҳсил олган. Шунингдек, мавжуд 914 ўғил-қизга таълимтарбия бераётган 71 нафар муаллиму мураббийларнинг аксарияти ҳам мана шу ердан қачонларидир учирма бўлишган. Фан ўқитувчиларидан Эркиной Тошуплатова, Дилором Йўлдошева, Карима Ҳамидова, Эркин Аминжонов, Осиёхон Мага-

гининг пойдевори бўлишини айтди.

"Талабаликка бағишилов" тадбирининг бадиий қисмида театр ижодкорлари томонидан "Қор одам" саҳна асари намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

18. Камол Турбатий билан учрашви ҳақида ҳам долзарб.

19. Шоир Ҳиротга қачон қайтади?

20. Алишер Навоий Самарқандга жўнаш олдидан қандай асар ёзган?

21. Бу шеърий мактуб қайси деонга кирилтилган?

22. Ҳондамир Навоийнинг Самарқандга келишини қандай изохлаган?

23. Бобур Навоийнинг Самарқандга келишини қандай изохлаган?

24. Алишерга Самарқандда ким ҳомийлик қилган?

25. Навоийнинг Самарқанддаги узози ким?

26. Навоийнинг дастлабки шеърий тўплами ким томонидан қачон тузилган?

27. Навоий қачон Ҳиротга қайтди?

28. Ўша йили қайси муҳим асарини ёзи?

29. Навоий дастлаб қандай мансабга ким томонидан тайинланган?

30. Шоир қайси йиллари вазирлик қилди?

31. Шоир қайси йиллари Астро-бодда ҳоким бўлди?

Мазкур ўйиннинг оралиқ назоратга тенглаштирган ҳолда балли тизимда; ҳомийлар топилса, эсдаликов сөвғалар ёки совринлар билан кўнгилочар тадбир сифатида ҳам ўтказиш мумкин.

Тоҳиржон АЛИЕВ,
Марғилон шаҳридаги
"Истиқбол" гимназияси
олий тоифали она тили
ва адабиёти фани ўқитувчиси

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

риб чиқиши. Улардан техника фанлари доктори, профессор Олимжон Саҳобов, техник фанлари номзоди Осилжон Сотволовиев ҳамда бошқа кўплаб раҳбарлик лавозимларида жамиятнинг турли жабхаларида фигокорона меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда мактабга раҳбарлик қилаётган Ҳавасхон Шарофиддинова ҳам ушбу ўқув

миннова кабилар туман муаллимлари орасига ҳам илғорлар қаторига туршиши.

Мактаб байрамида ҳамма шоғ-хуррам эди. Бу устоз ва шоғирдларнинг бир-бирларидан мудом мамнунлик аломати ва юртимизда тўю тантаналар узлуксиз давом этаётганидан нишона эди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
"Ma'rifa"нинг махсус муҳбири

Sinab ko'ring

фот этди?

14. Алишер қандай таҳаллус билан ижод кила бошлади?

15. Ўн беш ёшида кимнинг юксак баҳосига эга бўлди?

16. Мавлоно Лутфийни ҳайратга солған фазал матлаасини айта ола-

сизми?

17. Навоий Машҳадда эканида ким билан учрашиди?

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ХАЛҚ

ИҚТИДОРЛАРИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

Халқ таълими тизимидағи итукларга назар ташлар эканмиз, бунда нафақат ўқитувчилар, балки уларнинг таълимини олиб, нурли мақсадлар сари интилаётган ўқувчиларнинг ҳам ҳавас қисла арзигуллик натижаларга эришаётганликларига гувоҳ бўламиш. Уларнинг баъзилари билан танишириб ўтсак айни мудда до бўлар, деб ўйлаймиз.

Абдували Дўстмуродов — Кўшработ туманидаги 68-мактаб ўқувчи. У Японияда ўтказилган ёш мусаввирлар халқаро кўрик-танловида иштирок этиб, "Бозор" номли расми учун голибликни кўлга киритган.

1998 йилда вилоятдаги мактаб битирувчиларидан 6 нафари республика фан олимпиадасида голибликни мусассар бўлдилар. Ўша иили ўтказилган республика иқтидорли болалар VII слётида ҳам вилоят ўқувчиларидан 4 нафари голиб бўлиши.

Республика техник ижодкорлар мусобақаларида 4 нафари ўқувчи автомобиль спорти соҳасида юкори натижаларга эришиши. Икки нафари ўқувчи эса республика ёш кино-фото ҳаваскорлар халқаро кўрик-танловида голиб бўлди.

Республика миқёсида ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида Нурабод туманидаги 10-мактаб ўқувчиларга вилоят шаънини баланд кўтариши. Улар 1998 йилда ўтказилган танловда республика голиби деб танолидилар.

Жомбай туманидаги 56-мактаб ўқувчи Хайрулла Ҳамидов 1998 йилда Туркияда бўлиб ўтган кимё фани бўйича халқаро олимпиадада бронза медалига сазовор бўлди.

Шунингдек, вилоят ўқувчи ёшлари спорт соҳасида ҳам ўзларининг иқтидорларини намойиш қилиб келишмоқда. Жумладан, 1997 йилдан бўён доимий равишида ёшларнинг

республика спартакиадаларида соврини ўринларни эгалашга эришашпти. 1982 йилда туғилганлар ўртасида чим устида хоккей мусобақаларида вилоят терма жамоаси мамлакат голиби бўлди.

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли шохмотшашка спорт мактаби тарбияланувчиси **Иброҳим Ҳамроқулов** 1998 йилда Испанияда ўтказилган ёшлар ўртасида шохмот бўйича жаҳон биринчлигида чемпион бўлганлиги бутун мамлакатимиз фуқаролари юксак қувонг багишлади. Иброҳим, шунингдек, мамлакат миқёсида ўтказилган "Универсиада-2000" спорт мусобақасида ҳам муваффакиятли қатнашиб, Президентимизнинг маҳсус соврини – "Тико" автомашинасига эга бўлди ҳамда вилоят ҳокимилиниг совғаси – 2 хонали уй билан тақдирланди.

Енгил атлетика спорт мактаби тарбияланувчиси **Елена Пискунова** эса мамлакатимиз терма жамоаси таркибида 2000 йил Сиднейда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларida иштирок этиди. Оғир атлетика бўйича Марказий Осиё ўйинларининг икки карра голиби **Виктор Янский** 1996 йилги Атланта олимпиадасида биринчи ўринни кўлга киритди. Москвада юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон биринчлигида эса Нодир Қосимов фахрли ўринга сазовор бўлди.

Бундан ташқари 1998 йилда I республика ёшлар ўйинларда вилоят спортчилари 23 спорт тури бўйича мусобақалarda иштирок этиб, умумжамоа хисобида 360 очко тўглапшиди ва вилоятлар ўртасида биринchi ўринни кўлга киритдилар.

Республикамиз спорти шарифини оширишга хизмат килган Б.Шоназаров, Н.Қосимов, Ё.Холбоев, Б.Бозоров, М.Бобоев, С.Машрапов, Р.Абдуғаффоров сингари ўқувчилар 1999 йилда Ўзбекистон спорт устаси унвони билан тақдирландилар.

Яздан ҲАМДАМОВ, туман халқ таълими бўлими мудири:

— Тажриба-синов учун Тайлек тумани танланганини ва дарслар китобларнинг шартномада кўрсатилган барча тури ўқувчилар кўлига етиб келганинига дарсни кўрсандим. Бу таълими соҳаси ходимлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Синфларда дарслар-кўлланмаларнинг ҳамма ўқувчиларда бўлиши ўқитувчи ишини ёнгиллаштиради, ўқувчиларнинг эса илиш нисбатан қизиқишини оширади. Бу биз учун жуда катта имконият деб биламан.

29 октябрь куни туманимиз бўйича дарслар китобларни белгиланган ягона ижара тўловининг жорий ўкув иили учун мўлжалланган миқдорини юзфоиз тўладик. Дарсларни ўқувчилар кўлига етказиш, ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, берилган дарслар китобларни баҳосининг 25 фоизи миқдоридаги маблағни йигиб, хисоб рақамига ўтказишга туманимиздаги 17, 25, 27, 36, 38, 40, 49-

Маълумки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада бўлгани сингари халқ таълими соҳаси ҳам тубдан янгиланди. Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ёш авлодга изчилик билан таълим бериш ўйлаб. Айниқса, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида иш олиб борилаётганлиги катта ютуғимиздир.

Таълимдаги ислоҳотлар юртимизнинг ҳар бир фуқаросига ўз қобилиятига ва иқтидорига яраша касб-хунар эгалаша, илм чўққиларини забт этиш имкониятини бермоқда. Биз фарзандларимизнинг нималарга қодир эканлигини улар иштирок этган жаҳон олимпиадаларида эришган ютуқлари, халқаро танловлардаги муваффакиятларида кўрмоқдамиз.

Шуну эътироф этиш лозимки, буюкларга бешик бўлган табаррук заминимизда мустақиллик шарофати билан яна жаҳон тан оладиган ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Бу борада бизнинг вазифамиз ана шу фарзандларимизга имкон қадар чукур билим бериш, ўқиб-ўрганишлари учун ҳар томонлама кулагиллар яратишдан иборатдир. Барча соҳа залари мактаб қучогида улғаяди, шу даргоҳда камолга етади. Шундай экан, мактабларимизга ҳар қанча эътибор берсак, уларнинг моддий базасини мустаҳкамласак, замонавий компьютер ва техник воситалар билан таъминласак арзиди.

Тан олиб айтиш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасини ривожлантириш соҳа ходимлари учун осон кечгани ўйқ. Маънан эскирган дарсларни, қолига тушиб қолган дарс усулларидан соқит бўлиш, мавжуд педагогикадрларнинг малакасини ошириш, янги ўқитиш технологияларини жорий этиш, тажрибасиндан ўтказиш таълим соҳаси ходимларидан жуда катта куч, меҳнат, изланиш талаб қилди. Қисқа қилиб айтганимизда, тарихга айланган ўн йил катта синовлар йили бўлди. Барча синовларга бардош берганларгина ўз соҳасининг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди.

Вилоятимиз битирувчи ўқувчиларининг олий ўкув юртлари-

га кириш кўрсатичлари бўйича республика етакчи ўринларда эканлиги ҳам қуонарли ҳолдир. Бугунги кунда ҳар бир мактаб рейтингни ўқувчиларининг билим савиясига кўйилган баҳо билан белгиланмоқда. Шу боис ҳар бир мактабда фанлар йўналиши бўйича ўқувчиларга чукур билим бериш мақсадида репититорлик ўқишлари йўлга кўйилган. Оқ-дарё, Жомбай, Тайлек, Паст Дарғом туманлари бу борада етакчилик кўмокда.

Самарқанд шаҳрида республика биринчилардан бўлиб, 1996 йилда "Тил ўргатиш маркази" ташкил этилган. Бу ерда, шаҳар мактабларида таҳсил олаётган ўғил-қизлар ўз қизиқишлини ва бошқа хорижий тилларни чукур ўрганмоқдалар. Бугунги кунда вилоятнинг 18 та ту-

натижаларини таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Мустақиллик йилларида вилоятда 117 нафар ўқитувчи ўқувчиларига яраша ҳар хил давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Ўтган давр мобайнида, халқ таълими бошқармаси ва маҳаллий ҳокимлар саъи-харакатлари туфайли 123 та янги мактаблар биноси, 781 ўқувчи ўрнига мўлжалланган кўшимча синф хоналари курилиб фойдаланишга топширилган бўлса, мустақиллигининг 10 йиллик шодиёналири арафасида 6742 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 12 та янги мактаб, 4940 ўринга мўлжалланган 23 та кўшимча синф хоналари ўқувчиларга топширилди.

Таълим ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кенг жамоатчилик эътиборини шу соҳага

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТ

ман ва шаҳарларида ҳам вилоят тил ўргатиш марказининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят "Тил ўргатиш маркази" ва Британия Кенгаси, "СОРОС" жамғармасининг Очик жамият институти, АҚШ элчихонаси ва АҚСЕЛС халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ўнга яқин хорижий тиллардан сабоқ бераётган ўқитувчилар Англия ва АҚШда малака ошириб қайтилар. Бугунги кунда тил ўргатиш марказлари тизимида 4 мингдан зиёд ўқувчилар чет тилларни ўрганишади. Уларга 120 нафардан ортиқ тажрибали ўқитувчилар дарс бершишади.

Бундан ташқари 2000 йилда вилоят халқ таълими бошқармаси қошида "Таълим маркази" ташкил этилиб, ёш ва иқтидорли ходимлар марказга жалб этилди. Бу ҳам ўқитувчи педагоглар ишни енгиллаштириш ва уларга тегишили услугубий йўриқномалар, тавсияномалар етказиб бериш мақсадида қилинган ишларимиздан беришади. Марказ таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб; илфор тажрибаларни оммалаштириш, тажриба-синов

янада жалб этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳар ойнинг охирги шанба кунини "Таълим ва тиббиёт куни" деб белгилаган. Шу куни турли соҳаларда меҳнат қилаётган раҳбар ходимлар таълим муассасаларида бўладилар ва таълим муассасасининг ахволи билан танишиб, имконият даражасида ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар. Бу ташаббус ҳам ўз натижасини бермоқда.

Биргина ўкув муассасаларини кузги-қиши мавсумга ва янги ўкув йилига тайёрлаш ишлари сифат жиҳатидан ҳар йилгидан юқори савияда ўтказилганлиги Фикримизга далил. Жорий йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан курилиш ва капитал таъмилаш ишларига 354,1 миллион сўм маблаг ажратилди. Ундан ташқари, вилоятдаги 34 та мактаб замонавий компютер синflари, 21 та мактаб тендер савдолари асосида танлаб олинган сифатли стол-стул ва китоб жавонлари билан таъминланди. Бугунги кунда Самарқанд шаҳри, Пахтаки, Ургут, Тайлек ва Самарқанд туманларида гибтадан мактаб тўлиқ қайта

тўхтадиган бўлсак, дарсларни безатилиши жуда яхши, көғози олий нав. Бу кўлланмаларнинг битта нокулай томони шуки, у ham бўлса ҳажми биз кўнишиб колган ўлчамлардан анча катта.

Дарслар китобларни олиб келинди. Мактаб кутубхоначилари ҳар бир китобни кўриб, қабул қилиб олдилар. Чунки улар ота-оналар билан шартнома тузганлар. Биз баъзи техник нуқсона билан китобларни йигиб олганмиз. Улар тез орада алмаштирилиб берилади.

Хозирда шартномада кўзда тутлиган дастлабки босқич кўнгилгадидек амалга оширилди. Бирор, дарсларни тарқатиш октябр ойигача давом этди. Чунки нашриётда тайёр бўлган дарслар пешма-пеш Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги "Таълимсавдо" корхонаси кўмагидага етказиб турилди. Келажакда ўкув кўлланмаларининг барчаси шу усулида ўқувчиларга етказилса, нур устига нур бўлур эди.

Н.ШЕРБОЕВА

ИЖАРА УСУЛИДАН МАМНУНИСИЗ?

Самарқанд вилоятидаги Тайлек тумани мактабларида ҳам Осиё ривожланиш банки билан ҳамкорликда дарслар китобларни ижара бериш усули синовдан ўтказилмоқда. Биз ижара тизимининг ўқувчилар учун нечоглик аҳамиятли эканлигини билиш мақсадида тайлеклик ўқитувчилар, ота-оналарнинг фикрлари билан кизикдик.

мактаблар биринчилар қаторида ўз олдиларидаги вазифани уддаладилар.

Сурайё ҲАМРОЕВА, уй бекаси:

— Менинг уч нафар фарзандим тумандаги 34-мактабда ўқийди. 5, 7-синфларда таълим олаётган ўғилларим китобни олиб келган куни севингинни кўриб курсанд бўлдим. Чунки бизнинг ўзимиз китобни ҳарид қилганимизда ҳам балки ҳаммасини тополмасдик. Фарзандларим китоб муковалини ўраб, эҳтиётилашга ўтказилнига билди. Уларда китоб муковалини ўтказилнига билди. Уларда китоб муковалини ўтказилнига билди.

Бувсаида ҲОЖИҚУЛОВА, уй бекаси:

— Маълумки, ўзбек халқи азалдан болажон эл бўлганлиги боис, ҳар бир оиласида уч-тўрт фарзанд ул-

гайди. Уларни едириш, кийинтириш, қолаверса ўкув қуроллари билан таъминлаш, дарслар китобни оиласида учун ҳам бирдек осон эмас. Бизнинг оиласидан фарзандларимнинг тўрт нафари ўқувчилар. Улар тумандаги 38-м

ТАЪЛИМИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

жихозланди. Айниқса, вилояти мизда кейинги йилларда ўз маблаги ҳисобидан ўқувчиларимизга замонавий мактаб биноларини куриб берадиган саховатпеша юртошларимиз сони кўпаяётганилиги алоҳида эътиборга лойик. 2000 йилда булунгурлик тадбиркор Мамаюсуп Шодмонов 240 ўринли мактаб куриб берган бўлса, 2001 йилда ургутлик ака-ука Сайдмурод ва Акбар Нуруллаевлар 360 ўринли, нарпайлик тадбиркор Толиб Абдураҳмонов 240 ўринли, нурободлик нафақаҳўр Омонтош ҳожи Мавлонов 150 ўринли мактаб биноларини ўз маблағлари ҳисобидан куриб бердилар. Бу ҳам ҳалқимизнинг ёш авлод тақдирига бефарқ эмасликларидан далолат беради.

Ўқувчиларни дарслек китоблар билан таъминлашда ҳам

Бу ўз ўрнида мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болаларни мактабга тайёрлаш ҳакида жиддий бош қотириш, уларни тенгдошларидан ортда қолмасликлари учун тури мактабга тайёрлов марказларини очиши талаб этмоқда. Ҳозирги кунда вилоятимизда 400 та ана шундай марказлар мавжуд.

Муаммоларимиздан яна бири 9-синфларни битираётган ўқувчиларимизнинг тақдири билан боғлиқ. Бу йил вилоятимиз мактабларининг 9-синфини 64 минг 781 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг деярли ҳаммаси лаёқатларига яраша ташхис марказларининг тавсияномаларини олишган, аксарияти касб-хунар коллежлари, академик лицейларга ҳужжат топширганлар. Бироқ битирувчиларимизнинг

Ҳозирда вилоятда таълим ислохотларини жадаллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини амалга ошириш, ёш авлодга таълимтарбия беришда самарадорликка эришиш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида вакиллар кенгашлари ўз ишини бошлади.

9 октябрь куни вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида вакиллар кенгашининг таъсис ийилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вакиллар кенгашининг низоми қабул қилинди ҳамда вилоятдаги вакиллар кенгашининг раҳбари ва аъзолари тайинланди.

Ўқувчиларимизнинг мактабдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказища ҳам муаммоларимиз бор. Вилоятимизда 43 та мактабдан ташқари муассаса бўлиб, уларда 4428 та тури тўғараклар фаолият кўрсатади. Ҳозирда 75 мингдан зиёд ўқувчи мазкур тўғаракларга жалб этилган. Мактабдан ташқари таълим муассасаларida ўқувчиларимиз ўзлари қизиқкан соҳалар бўйича билимларини мустаҳкамлашмоқда. Самарқанд шахридаги вилоят ўқувчи-ёшлар техник иҳодиёти маркази қатор йиллардан бери мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган турли танловларда биринчиликни қўлдан бермай келаётди.

Таълим соҳаси ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашдан иборатdir. Дарҳақиқат, ўз келажагини муносиб яратмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий foясига таяниши керак. Мактабларимизда ўқитилаётган "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол foяси ва маънавият асослари" ва Конституциямиз ҳамда Президент асарларининг болалар онгига сингдириб борилаётганилиги, бу фанлардан ўқувчilar турли тадбирлар ва танловлар ўтказилаётганилиги катта аҳамият касб этмоқда.


Анвар БЕКМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи

худди шундай ижобий ҳолатларни кузатиш мумкин. Айниқса, бу йил республика Ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё ривожланиши банки ҳамкорлигига республика бўйича ҳар бир вилоятда биттадан тумандаги дарслек китобларни ўқувчиларга ижарага бериш таҳжебаси жорий этилганлиги айни муддаодир. Бу ўқувчиларни тўлиқ дарслек китобларни билан таъминлаш имкониятини беради. Ўйлаймизки, бу таҳжира ўзини оқлади.

Жорий йилда янги ўқув йили олдидан ўтказилган анъанавий Август кенгашларидан вилоятимиз ўқитувчilari томонидан республика ўқитувчilarinинг I конференцияси тавсиялари атрофлича ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинди. Бироқ, бу ҳалқ таълими соҳасида барча муаммолар барҳам топган, деган маънени билдирамайди. Мактабгача таълим муассасаларимизга шу кунгача вилоят миқёсида 67600 нафар бола жалб этилган, бу эса вилоят бўйича 14,8 фоизнингина ташкил этади, холос.

13 минг 100 нафаригина академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиши давом этиришлари мумкин. Ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига бефарқлиги оқибатида касб-хунар коллежларига кироммаган бъazzi ўқувчilarни мактабга қайтириша кийинчиликлар юз бермоқда. Бу муаммоларни тезда ҳал этиш буғунги куннинг дол зарб масалалариданdir.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг 2001 йил 11 сентябрдаги навбатдан ташқари VI сессиясида сўзлаган нутқида айтиб ўтилган камчиликларни бартарап этиш ва вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевнинг ҳалқ таълими соҳаси вакиллари билан бўлган учрашувида ўртага ташланган тақлиф ва мулоҳазаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи таълим соҳаси фахрийлари ҳамда шу соҳани яхши билувчи кишилардан иборат маслаҳат кенгаши гуруҳини тузиш тақлифи билдирилган эди.



МАКТАБНИНГ МАЗМУНАИ ҲАЁТИ

Сиёб туманидаги 5-мактаб ЮНЕСКОнинг бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлгач, таълим-тарбиявий ишлар янада авж олди. Бошқа вилоят ва шаҳарлардаги ЮНЕСКО тасарруфидаги мактаблар билан ўзаро дўстлик алоқалари йўлга кўйилди.


Мактабимизда йўлга кўйилган "Жамоат таълими маркази" ишларини жонлантириш мақсадида ЮНЕСКО милли комиссияси томонидан энг сўнгги марказдаги компьютер, принтер, телевизор, видеомагнитафон ва телефон аппарати совға қилинди. Бу ҳам таълим жараёнида иш унумини оширишга ёрдам бермоқда.

Мактабда амалга оширилаётган ишларимизни самараси битирувчиларимизнинг олий ўқув юртларига киришларида яққол кўзга ташланмоқда.

Бу йил мактабимиз жамоаси олдида режаларнинг энг муҳими таълим мазмунини чукурлаштириш ва бу борада барча имкониятларни ишга солишдан иборат.

Мактабимиз раҳбари, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Муҳаррам Раҳмонова аҳил жамоамизнинг барча юмушларига бош-қош бўлмоқда.

Шаҳодат ҲАМДАМОВА,
Сиёб туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – МУСТАЖКАМ ТАЯНЧИМИЗ

Вилоят педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси таълим-тарбия жараёнини ташкилий, мазмунан ҳамда тарбиявий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилишда муайян ишларни олиб бормоқда.

Институтнинг асосий мақсади таълим соҳасида рўй берадиган туб ўзгаришларни ҳалқ таълими ходимларига етказиш, узлуксиз таълимни такомиллаштириш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш, илмий-методик жиҳатдан ёрдам беришга ўйналтирилган.

Институтнинг иш режасига янгиликлар киритилиб, ўқув хоналари, аудиториялар, мавжуд бўлган кўргазмали жиҳозлар қайта таъминланган ва кутубхонада алоҳида бурчаклар ташкил қилинган.

Вилоят ҳалқ таълими бошқармаси томонидан белгиланган режа асосида фан ўқитувчilarини ҳар 5 йилда узлуксиз раввища малака оширишларига эришилмоқда. 1999 йилда малака ошириш режаси 6000 киши ўрнига 9200 кишига бажарилди. 2000 йилда

9800 нафар педагог ходим ўз малакаларини оширилди.

Институт ходимлари таълим-тарбия жаёнинг янги педагогик технологияларни жорий этиб, диагностик таҳлилдан амалда фойдаланмоқда. Келган ҳар бир тингловчилини таълим-тарбиянинг дол зарб муаммолари, хусусан янги педагогик технология бўйича мавжуд бўлган барча янгиликлар билан чуқур танишишиб, информатика ва компютер техникини, хуқуқий, иқтисодий, экологик таълим ҳамда бошқа замон талаби даражасидаги билимлар билан куроллантиришга ўтида илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Курс машгулотларида янги педагогик технологияни қуллашда давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда дарс машгулотларини компьютер ёрдамида ўтказиш, миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан, ҳорижий мамлакатларнинг замонавий педагогик технологиясидан фойдаланишга, айниқса, ўқув фанлар интеграциясига эришишга катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда институтнинг барча кафедра профессор-ўқитувчилари янги педагогик технология асосида ишламоқдалар. "Баҳс", "Музәэр", "Кичик туркузларда ишлаш", "Гуруҳли баҳслар", "Ақлий хужум", "Математик ринг" каби дарс шаклларидан ўринли фойдаланиб, янги педагогик технология ҳақида тушунчаларни амалий дарс орқали тингловчиларга етказишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Айни пайтда институтда 7 нафар фан доктори, 19 нафар фан номзоди ҳамда 46 нафар педагог илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга маъруза ва амалий машгулотларнинг давлат талаблари даражасида ўтказилишини таъминламоқда.

2000 йилнинг ноябрь ойида Осиё тараккиётни олиб борсан института таълим тизими билан танишишиб. Институт жамоаси мамлакатимиз маорифини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида доимий изланишлар олиб бормоқда.

Институт буғунги кунда Германия, Франция, АҚШ ва ҳамдустлик давлатлари таълим уюшмалари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Айниқса, хорижий тиллар кафедрасининг Германиянинг Гёте университети, Франциянинг Узбекистондаги элчигонаси, АҚШнинг Тинчлик корпуси ва АҚСЕЛС вакиллари билан ҳамкорлиги самараали булаяпти. 2000 йилнинг май ойида Франциянинг Узбекистондаги элчи Жан Клод Ришар бошчилигида бу нафар француз тилини ўқитувчиси институтда маърузалар қилишиб юнусини олиб бориш билан танишишиб.

Институт жамоаси мамлакатимиз маорифини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида доимий изланишлар олиб бормоқда.

Кўш саҳифа материалларини Назокат ШЕРБОЕВА ва Баҳодир ЖОВЛИЕВлар тайёрлашди.

Таълим тизимиға мониторинг, рейтинг, янги педагогик технология, модул технологияси каби янги атамалар кириб келди, бу жараён янги дарсликларнинг яратилишини кун тартибига кўндаланг килиб қўйди.

Бу эҳтиёжни ўз вақтида англаб етган кўпчилик фан соҳаларининг мутахассис-услубчи олимлари баҳоли-кудрат дарслик ва қўлланмаларни тайёрлаб нашр қила бошладилар. Шулардан бири, бошқарув фанига оид — "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилган академик М.Шарифхўжаев ва профессор Э.Абдуллаевларнинг "Менежмент" дарслигидир.

Дарслик билим бериш во-ситасидир. У турлича ўқитиш услубларини тавсия этиш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, шунингдек, олинган билимларни кундаклик ҳаётга татбиқ эта олиш каби кўнникмаларни ривожлантишини керак. Дарслик билим олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги Республика илмий-методик бирлашмаси томонидан тасдиқланган "Менежмент" дастурига мувофиқ ёзилган бўлиб, бу курсни тўлалигича камраб олади. Унинг предмети ва обьекти, мақсади ва вазифалари, ўзига хос услублари аниқ ва равон тилда баён этилган. Бошқарувга оид илмий тътифлар ва тавсифлар, категория ва тамоилларнинг қисқа ва тушунарли эканлиги диккатга сазовор-дир.

Дарсликнинг тузилиши ва ёзилиш услуги ўзига хос. Ҳар бир бобнинг сўнгидаги кептирилган таянч иборалар ва тест топшириклири бор. Бундай ёндошув дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиша кўл келади. Кўп босқичли таълим тизимида ўқувчилар билимини аниқлашда тест усули холос ҳамда бой имкониятларга эгадир. Бу усул ўқиш ва ўқитиш сифатини оширади, талабаларнинг ўқув жараёнида фаол бўлишини таъминлайди, мустақил ишлашнинг самародорлигиги кескин оширади, ўқув давомида ўқувчилар билимини, маҳоратини, истеъододини холос назорат қилишини таъминлайди.

Ҳар бир боб сўнгидаги интел-

лектуал тренингларнинг берилиши бошқарув назариясини амалийтга татбиқ қилишга ўргатиши янги усулдир. Бу ўқувчилар билан яқиндан туриб ишлаш имкониятини яратади, билим олишда ўзаро баҳслашув муҳитини туғдиди, билим тўғрисидаги



ўткирлаштиради, нутқини равшан ва тасирчан қиласиди. Ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг каттакиши масалалари қаршисида оқилона хуласалар чикаришга ўргатади. Дарслик да кроссворд ва

чи ўртасида янада мукаммал ҳамкорлик ўрнатилади. Ўқитувчи таълим стандартларини бажариш учун, албатта, модул технологиясини кўллаши зарур. Бунинг учун эса ўқитувчи дарсга кунлик тайёргарлик билан эмас, моделаштирилган тарзда умумий ва қўшимча қўлланма, адабиётлар топиб кириши, кўлида кунлик маъруза матнлари ёки курслари эмас, йиллик режа ҳам албатта бўлиши керак. Талабадан эса факат дарслик суюниб қолмай, изланиб, ўз устидаги ишлаб боришига ўрганиш тақозо қилинади. "Менежмент" дарслиги айнан ана шу модул технологияси асосида ишлаб имконини беради.

Дарсликдаги мавзу матнлари ихчам ва жуда маҳорат билан жадвалларга, чизма ва графикларга таяниб ёритилган. Бу ўз нафбатида маҳсус слайдлар, кўргазмали материалларни тайёрлаш ва дарс жараёнига аудио, видео, шунингдек, электрон версияларни жорий қилишда жуда кўл келади. Муаллифлар янги педагогик технология асосида яратилиши зарур бўлган биринчи дарслик қандай ижобий сифатларга эга бўлиши лозим бўлса, уни амалга ошириш учун қайтушибган. Кўрик ерни ўзлаштириш накадар қийин кечгани каби, янги педагогик технология асосида дарслик яратиш ундан ҳам оғир иш. Зоро, унда камчиликлар бўлиши ҳам табиий ҳолдир.

Янги дарсликда муҳокама талаб ўринлар ҳам бор. Шу сабабли муаллифлар дарсликни камтарлиқ билан бошқарув фани бўйича дастлабки дарслик деб атаб, янги таклифлар билан бойитилишини муҳлислар хукмига ҳавола қилишади.

Х.МУРОДОВА,
Банк-мөлия академияси
"Менежмент" кафедраси-нинг мудири, иқтисод
фналари доктори,
профессор




"Халқ таълими" журналининг нафбатдаги бешинчи сони босмадан чиқди. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари пойтахтда — Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани бўлиб ўтган эди. Журналинг ушбу сони Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани тавсиялари ва мазкур тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида қабул қилинган қарор билан бошланади. Миллий истиқлол ғояларини янги авлод онгига қанчалик сингдиришида янгича ўқитиш технологияларини аҳамияти каттадир. Профессор В.Каримова "Мағкуравий тарбия ва инновацион таълим" мақоласида шу хусусда мулоҳаза юритади. "Ўтмиши янгича ёндашув асосида ёритишни талаб этаётган саҳифалардан бири — ҳақимизнинг маданий ҳаётидаги муҳим ўрин туттган мадрасалар фаолиятни таҳлил этишдир", дейа Андикон Давлат университети аспиранти М.Алиҳожиев "Кўқон хонлиги мадрасалари фаолияти тарихидан" номли мақоласида аждодларимизнинг муҳим маданият ўчиги бўлган мадрасалар фаолияти ҳақида маълумот беради.

Шулар билан бирга журналинг мазкур сонида "Бухоро тарихи" да тарихий афсоналар талқини" (М.Раҳмонова), "Миллий қадриятларнинг маддий маҳсулни" (И.Қўзиев), "Таълим методлари муштараклиги" (А.Урайимхалилова), "Модули таълим технологияси" (Ж.Толипова) ва янга бошқа кўплаб мақолалар, тадқиқотлар, кузатишлар берилганни, буларни ўқиган ҳар бир халқ таълими ходими ўзини учун, албатта, янгиликтарни топади.

Ш.НИШОНОВ

ФИКРЛАРНИНГ ҚАЙМОFI ЖАМУЛЖАМ БУНДА



Истиқлол қўлга киритилгач, мамлакатимиз раҳбарининг асосий диққат-эътибори юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилди ҳамда ҳақимизни шу нурли йўлга бошлиди. Президентнинг маърузалари, муҳбирлар билан савол-жавоб мажмуаляри, асрлари ҳикматларга бой бўлиб, уларнинг маъно-мазмунни теран, тарбиявий аҳамияти юқоридир.

"Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида

энг улуғ ва шарафлиси бу — ўқитувчилар касбидир". Ҳа, ўқитувчилар улуғ ва шарафли касб. Қарангки, шу касб эгаси Асқар Сулаймонов юрт раҳбарининг ҳикматга айланган фикрларини тўплаб, мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида "Ўқитувчи" нашриётида чоп этирди. Номи ҳам бугуннинг мавзусида: "Миллий камолот йўли".

Мазкур тўплам Президентимиз Ислом Каримов асарларини янада чуқурроқ ўрганишда йўлланма бўлиши билан бирга, мустақилликни мустаҳкамлашга, илм чўққиларини эгаллашга, ўтмиши ардоклашга, маънавий илдизларимизни ривожлантиришга даъват этади.

"Хидоят" яна қўлнимизда. У ўқилса, кўнгил ҳам хидоят топади. Журналинг дастлабки саҳифаларида Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтининг 30 йиллигига бағишлиланган институт ректори А.Азимовнинг "Мўтабар даргоҳ" номли мақоласи берилган. Инсон ҳаёт экан, нималарнидир билишга қизиқиб,

учун ибраг бўларли ҳаётидаги ҳикоя қиласиди. Журналинг "Мўъжаз тадқиқот" рукнидаги "Куръони каримда ҳарфлар, сўзлар ва сонлар тавоғуки" деб аталган мақола алоҳида аҳамиятга эгалига билан ажralиб турди. Муқаддас китобнинг "Ал-Иср" сураси 88-оятида шундай сўзлар бор: "Айтинг: "Агар одам-

ИБРАГИМ ҲИДОЯТДАР ЎЗИЙ ӨСЕДАЖИЗ...

нималарнидир истаб кунини ўтказади. Бунинг боиси унинг қалбидаги икки қуввати билиш ва исташ қувватларининг тўхтовсиз фаолиятда бўлишидир. Уста Олимнинг "Камолот кафолати" мақоласида билиш ва исташ ҳамда унга қилинган амал камолотга элтувчи йўл эканлиги ҳақида айтилади. "Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар" рукнидаги "Урва ибн Зубайр" номли мақолада Б.Нурмуҳаммад Урва ибн Зубайрнинг бугунги кун кишиси

лар ва жинлар ушбу Куръонга монанд китобни яратиш учун ийғисалар, уларнинг бирлари бошқарувларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, бунга монанд нарсаня яратади. Ҳархакиат, Куръони карим ўн тўрт асрдан бўён инсониятни ҳайратга солиб келмокда. Мақоладан шундай иқтибос келтирамиз: "Куръонда "имон" (ал-имон) сўзи ва унинг ҳосиллари 811 марта келади. Шунингдек, "Илм" (ал-илм) сўзи 782 марта ва унинг синоними бўлган

"Маърифат" (ал-Маърифат) сўзи 29 марта тақрорланади, "илм" ва "маърифат" сўзларининг сонини кўшсак (782 ва 29) 811 бўлади, яни, илм ва маърифат қанча бўлса, имон шунчаликдир".

Шулар билан бирга азиз мушарийлар мазкур 8-сонда яна бир қатор қизиқарли мақолалар, ибратли хикоялар, адабий таҳлил, тақриз, кичик тадқиқотларни ўқишилари, сўнгги саҳифада "бош қотиришлари" мумкин бўлади.

Хулоса килиб айтганда, "Хидоят" хидоятга чорлайди, билмаганларнинг ҳақида маълумот беради.

КАРВОНЛИ

Qizaloq uni ko'rganda doimo seskanib ketar edi. Har kuni ertalab ishga ketishdan oldin u qizaloqning xonasiga kirar, yuzidan o'pib xayrashar va bu paytda qizchani titroq bosar, izvosh ketishi bilan o'zini yengil sezardi.

Kechqurun otasining ishdan kelganini ovozidan bildi: «Choyni xonamga olib kelging. Gazetalar keldimi? Yana oshxonadami? Ko'ring-chi, onasi, qayerda ekan? Shippagimni ham ola kelging».

— Kezia, — chaqirdi onasi — dadangning shippagini oborib ber. U ohista qadamlarda zinadan tushib, zalga o'tdi. Ular o'tirgan xonaning eshigini yopdi. Uning nima qilayotganini otasi kuzatib turgani bois qizcha o'ng'a-sizlandi.

— Kezia, chaqqon-chaqqon qimirlasang-chi, tezroq olib kel. Xo'sh, kayfiyatlar qalay?

— H-har d-doimgiday, d-dada...

Boshqalar oldida u emin-erkin, hayiqmasdan so'zlay olar, faqat dadasi qarshisida duduqlanib o'zini yo'qotib qo'yardi.

— Nima bo'ldi, bugun hafaday ko'rinasan? Choyni tezroq olib kel, buncha qaltirammasang!

Yakshanba kunlar u dadasi bilan cherkovga borib, toat-ibodat qiluvchilarni ko'rар, g'alati hislar og'ushishda qolardi. Ba'zan ibodat paytida dadasi bir narsalar yozar, qizaloq esa uning xatti-harakatlarini kuzatgancha jim turardi. Otasining iltijolari shunday baland ovozda bo'lardiki, ruhoniyan ko'ra qizi ko'proq tinglardi.

U judayam basavlat edi, qo'llari, bo'yni, ayniqsa, esnaganda og'zi beso'naqay bo'lib ketardi.

Yakshanba kuni buvisi qizaloqni kiyintirib, zalga — ota-onasi oldiga yubordi. U zalga o'tganida har doimgiday onasi modalar jurnalini o'qib o'tirar, dadasi esa divanda uxlab yotardi. Qizaloq sekgingina pianino taburetkasiga o'tirarkan, otasini uyg'otib yuborishdan cho'chidi. Xuddi shuni sezgandek otasi ko'zini ochib, soatni so'radi. Xayolchan turganini ko'rib

baqiriq-chaqiriqlar eshitildi. Dadasining majlis uchun yozilgan nutqi yo'qolgan. Hamma yoqning ostin-ustun bo'lishi shundan edi. So'roq qilinmagan odam qolmadni. Onasi uning oldiga kirib: «Kezia, stoldagi qog'ozlarni ko'rma dingmi?» deb so'radi titroq bilan.

— Ularni maydalab sovg'aning ichiga solgandim.

— Nimaga so'ramading, Kezia? Hoziroq pastga tush! — jahli chiqdi onasining. Qizaloq oyoq-qo'li qaltrab, pastga tushdi.

qilgandim, — dedi urmasligiga ishonib qizaloq. Tayoq uning nozik bilakchalariga urildi.

Ancha vaqt buvisi uni tebranma stulda olib o'tirdi. Bola unga yopishib olgandi.

— Esus, dadam nega bunday qildi? — so'radi higillab.

— Dadang jahli chiqqanidan shunday qildi. Bo'ldi endi, borib yotgin. Ertalabgacha hammasi esingdan chiqib ketadi.

Lekin hech narsa esidan chiqmadi. U otasini ko'rganda

yotardilar — dedi yig'lamoqchi bo'lib.

— Qani, uxla-chi — dedi Emess paypoqlarini karovat chetiga ilib.

— Yomon tush ko'rsang dadangni uyg'ot, xo'pmi?

Ko'z o'ngida... Qassob, pichoq, arqon bilan unga yaqinlashib kelar, u esa qo'rqqanidan qimirlay olmasdi. Keyin esa jon holatda qichqirib yubordi:

— Dada, oyil! Uning butun vujudini qo'rquv chulg'ab oldi. Dadasi karavat yonida sham bilan turardi.

— Nima bo'ldi?

— Hech nima. Buvim qani? U shamni o'chirib qizini ko'tarib xonasiga olib ketdi. Divan ustida gazeta, chala chekilgan sigaretalar yotardi. U gazetalarni yerga, sigaretalarni kaminga tashladi. Ehtiyyotkorlik bilan qizini yotqizib, yoniga o'zi ham cho'zildi.

Tush yana bezovta qildi shekilli, qizaloq dasasiga tomon sekin siljidi, qo'li ustiga boshini qo'yib, kiyimidan ushlab yotdi.

— Oyoqlaringni bir-biriga ishqala-chi, biroz isiydi — dedi otasi mehribon ohangda.

Tunda u tinch yotdi, ajib his-tuyg'u. Mehribon ota, uncha ham ulkan emas. Qizaloq tushida ham dadasingin hamma yozularini yo'q qildi. Birdan cho'chib uyg'organida, dadasingin ovozi qulog'iga chalindi.

— Nima bo'ldi? Yana yomon tush ko'rdingmi?

— Yo'q — dedi boshini chayqab Kezia.

— Yuragingiz buncha katta, dadajon? Xonaga farzand va otani bir-biriga bog'lab turuvchi ko'zga ko'rinas mas kuchning yuki cho'kkanday bo'ldi. Qizcha endi dadasidan cho'chimasdi...

Inglizchadan
Hulkar MUHAMEDOVA
tarimasi.

Ketrin Mensfeld (1888-1923)



«Kimni kuzatyapsan, Kezia» deb hayron bo'ldi.

Bir kuni xonasida o'tirganda buvisi unga kelasi hafta dadasingin tug'ilgan kuni bo'lishini aytdi. Chiroyli matodan yostiqa tikishing va uni sovg'a qilishing mumkin deb maslahat berdi. Qizaloq matoning ichki tarafini tikkuncha ona suri og'zidan keldi. Endi yostiqchani nima bilan to'ldirsa ekan, bu muammo edi.

Buvisi boqqa chiqqanda, u qiyqim izlab onasining xonasiga kirib qoldi. Divan yonidagi stolda uyum bo'lib yotgan oq varaqlarni ko'rdi.

Ularni yig'ib, maydalab qirqib, yostiqchaning ichini to'ldirdi, s o ' n g r a atroflarini tikib qo'ydi.

Shu kuni kechasi pastda

Onasi oqizmay-tomizmay otasiga bo'lgan voqeani so'zlab bergach, Kezia yerga qaradi.

— Shu gap rostmi! — otasining yuziga jaxl ifodasi qo'ndi.

— Yo'q, — dedi yolg'onlab qizcha.

— Hammasingi olib tushing. Qolganini ham maydalasin! — dedi amirona ohangda otasi.

Kezia tushuntirishga harchand harakat qilmasin, hech kim qulq solmadi. Uni qorong'i xonaga qamab qo'yishdi. Sho'rik qizcha uxlamasdan baland tarmov uzra tushgan ensiz yorug'likni kuzatib yotdi, uxlamadi. Ancha vaqtidan keyin otasi rezina tayoq bilan kirdi.

— Seni jazolash kerak, Kezia.

— Nima uchun? — qo'rqb odayalni ustiga tortdi u. Ota odayalni jahd bilan olib tashladi.

— Turib o'tir, — buyurdi u. — Qo'lingni chiqar. Bundan buyon birovning narsasiga teginmaysan.

— Axir tug'ilgan kuningizga

qo'llarini yashirib, yig'lab yuborardi.

Makdonaldlar ularga qo'shni turishardi. Ularning besh nafar farzandi bor edi. Bir kuni qizaloq ularning «bekinmachoq» o'ynayotganini ko'rib qoldi. Kichkintoy Mak dadasingin yelkasida o'tirar, ikkitga singilchasi esa uning ko'ylagidan tortib, gulzor atrofida orqasidan yugurishardi. Har safar Kezia bu bolalarning dadasi bilan o'ynayotganini ko'rganda, ularga havas qilar, dunyoda har xil otalar bor ekanligini ko'nglidan o'tkazardi.

To'satdan onasi kasal bo'lib qoldi. Buvisi shaharga, onasini ko'rgani ketdi. Qizaloq esa bosh xizmatkor Emess bilan qoldi.

Kunduzi hammasi yaxshi edi, kechga borib Kezia qo'rqa boshladi.

— Yomon tush ko'rsam nima qilay, Emess. Har doim buvim olib

OTA-ONALAR MAMNUN

Har bir guruhdha shirma mavjud. Undan bolalarning barmoqchalari, muskullarini rivojlantirish uchun setka, yozish uchun doska, qo'g'irchoq teatri uchun burchak, rolli o'ynish uchun do'kon, kitob javoni hamda matematikadan sanoq burchagi o'rinn olgan.

Kichkintoylarga murg'aklik davrdanoq milliy g'oyalarni singdirish uchun milliy burchak (rus guruuhlarida ham) mavjud. Milliy burchakdan loy ishi mashg'ulotida foydalanish uchun meva va sabzavotlar, bolalarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi, ularga estetik, ekologik tarbiya berish, go'zallikka o'rgatishga oid «Kim qayerda yashaydi?», «Guldasta» nomli ko'rgazmali qurollar o'rinn olgan.

Muassasada bolalar bog'chasiga jalb qilinmagan kichkintoylara uchuń yakshanbalik maktabi — faoliyat ko'rsatmoqda. Joriy yilda 18 nafar (10 tasi rusiyabzon) bola muktab ta'limga hozirlandi. Rusiyabzon bolalar bilan Nina Ruban, milliy guruhdagilar bilan esa M.Nuriddinova mashg'ulot olib bordilar. Mashg'ulotlar «Uchinchi ming yillikning bolasi» dasturi asosida tashkil etildi.

Yakshanbalik muktabida muktab ta'limga tayyorlangan o'g'il-qizlar 60, 94, 328-muktablarning 1-sinflarida tahsil olishayotir.

— Muassasamiz, — dedi bolalar bog'chasi uslubchisi Munawar Nuriddinova, — 60-muktab bilan aloqa bog'lagan. Tayyorlov guruhi tarbiyalanuvchilari muktabning litsey sinflarida uzuksiz ta'limga nemis va ingliz tilidan saboq olayotirlar.

Bolalar gulshaniga Xitoy elchixonasi homiylik qiladi. Ular maskanga rangli televisor, video sidi, sentizator, audeomagnitofon sovg'a qildilar.

Muassasada Feruza Sohibova, Zuhra Bobojonova, Natalya Chjenkova kabi bolajon tarbiyachilar dilbandlarga mehr ila ta'limga tarbiya berib kelayotir. Ota-onalar bog'cha faoliyati, u yerdagi shart-sharoit, bolalarga berilayotgan ta'limga tarbiyadan behad mammunlar.

Dilbar XO'JAYEVA

Poytaxtimizdag 243- o'rta maktabda O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining 12 yilligiga bag'ishlangan kecha bo'lib o'tdi. Unda muktabning 8-«A» sinfining «Foniylar» va 8-«B» sinfining «Humo» jamaolari o'rtasida topqirlar hamda zukkolar musobaqasi o'tkazildi.

Kechada Alisher Navoiy, Avaz O'tar o'g'li, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Rasul Hamzatov kabi shoirlarning ona tilining qadr-qimmati va o'limasligi haqidagi she'rlari ijro etildi. Yig'ilganlarga 8-«A» sinf

Obod ayladi Xurosonni Nazm maydonida to'kib ter, Insogfa chaqirdi jahoni Yak qalam bo'lsin deb ona Yer!

Bu misralarni o'qish bilan birga men ulardag'i birinchi harflar ketma-ket yozilsa, Alisher Navoiyning fors-tojik tilida yozilgan g'azallarida qo'llagan «Foniylar» taxallusi kelib chiqishini va shu xildagi she'rlar Sharqda — muvash-shah, rus adabiyotshunosligida — akrostix deyilishini tushuntirib berdim.

NAVOIY TILI O'LMAYDI

o'quvchilari tomonidan ijro etilgan sahna asaridan bir parcha, ya'ni Uyg'un va Izzat Sultonning «Alisher Navoiy» dramasidagi ulug' shoir tilimizni tahrir botqog'idan qutqarganligi haqidagi ko'rinishi juda yaxshi taassurot qoldirdi.

Musobaqada Marhaba Rafiqova, Sardor Ilhombekov kabi bir qancha o'quvchilar faol qatnashdilar.

Jamaa sardorlari bahsida men guruhimizga berilgan «Foniylar» nomini izohlab, quyidagi she'rimni o'qidim:
Fano dashtini kezib Alisher,

Zukkolik va topqirlik bilan ifodalangan fikrlar hamda mazmundor she'rlar, namoyish qilingan sahna asarlaridan parchalar tufayli «Foniylar» jamaosi o'ttiz yetti-yu, o'ttiz to'rt (37/34) hisobi bilan g'alaba qozondi.

Adabiy asarlar bilan bir qatorda kuy, qo'shiq va raqs larga to'liq bu kecha o'zbek tilining ulug'vorligini, nafosatini hamda go'zalligini namoyish qiluvchi haqiqiy bayramga aylanib ketdi.

Zulfizar SODIQOVA, 243-o'rta muktabning 8-«A» sinf o'quvchisi

Сарлавхадаги гап Жиззах шаҳридаги Фурқат Юсупов номидаги 25-ўрта мактабнинг олий тоифали бошлангич синф муаллимаси Роҳатой Аҳмедованинг фикри. Шу фикрда событилиги туфайли ҳам Роҳатой опа бошлангич таълимда ҳусният сабоқлари алоҳида эътибор билан қарайди.

“Чиройли, бир текис ёзилган хат ўкишини равонлаштириши билан бирга, ўқитувчилик одамга ҳам мазмун қадар завқ беради, — дейди Роҳатой опа. — Аждодларимиздан бизга мерос қолган қўлъёзма асарларни бир кузатинг-а. Улардаги матн энг гўзал санъат даражасида нафис, чи-



Айнан мана шу ерлар — Сифафё кенгликлари бизнинг Ватанимиз, қонимиз томган жой эканлигини тушунтирифилар.
Йўқ, бу ҳисни — Ватан ҳиссини қалбимизга жойладилар.

РЕСПУБЛИКА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА



«ХАТ ҲАМ ҲУСН»

ройли битилган. Чиройли хат бита оладиган кишилар ўтмиши мизда жуда эъзозланган, “Мирзо” деб улуғланган. Демак, бугунги авлод, ёшларимиз ҳам чиройли ёза билмоқлари, ҳусниятага эътибор қилмоқлари фарзидир”.

Роҳатой спанинг яна таъкидлашича, хатнинг инсон характеристига ҳам таъсири бор. Эринмасдан, дона-дона қилиб, чиройли ёза билмоқ кишида тартибга, қоидага амал қилиш кўнгли масини шакллантиради. Аксинча, ажи-бужи қилиб, шошилиб хат битиш одам табиатида палапартишиликни, шошма-шошарликни пайдо қилиши мумкин. Инчунун, мутахассислар киши характеристикинунг хати орқали ҳам билиш мумкин, деб таъкидлайдилар. Демакки, хатнинг характеристега, характеристернинг хатга таъсири бор.

“Ўқувчиларни бошлангич синфга қабул қилиб оларканинг, биринчи навбатда уларга чиройли ёзиши, равон сўзлашни ўргатишга, уларда ҳали мурғак-

лигиданоқ мустақил фикрлаш кўнгли масини шакллантиришга ҳаракат қиласан, — деб давом этади Роҳатой Аҳмедова. — Мактаниш эмас-ку, бошлангичда менда таълим олган болалар кейинчалик ҳам мактабда энг чиройли ёзадиган ўқувчилар саналади. Ҳусният бўйича турли танловларда голиб чиқишиади. Таъкидлаш жоизки, ҳусният болаларга фақат 1-синфдагина ўргатилмайди. Балки, кейинги синфларда ҳам давом этириш лозим. Бола 1-синфда қай ҳолда ёзувга ўтиришини, дафтари қай ҳолатда кўйишни, ручкани қандай ушланишни ўрганиши, ҳар бир ҳарф қаердан бошланиб, қаерда тугашни билиши лозим. 2-синфда болалар битадиган ҳар бир ҳарф ҳажми кичрайиб боради, ёзув ҳаракати тезлашади. Болаларнинг ёзиш тезлиги ошар экан, бу ҳарфларнинг хунаклиши эвазига бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилиш керак. Болаларга ҳусният сабонини беришда ҳар бир бола би-

ўқувчилари ҳам у кишини ўзларига доимо маслаҳатчи билишади.

“Бошлангич синфларда таълим берган ўқувчиларимни улар юкори синфларга ўтгандан кейин ҳам кузатиб юраман, — дейди муаллима. — Уларнинг ўзлаштириши, ҳулқи, қизиқишиларни синф раҳбарларидан сўраб бораман, кези келса, ўқитувчиларга собиқ ўқувчиларимни хусусида маслаҳатлар бераман. Боси, таълим берган ҳар бир ўқувчимнинг, шаклланиб келаётган жажжи болажонларнинг ички дунёси, илк қизиқишилари, оилавий шароитлари менга жуда таниш бўйлиб қолади”.

Тажрибали муаллиманинг ҳар бир сабоги, айни пайтда, болаларнинг мурғак қалбларида Ватан тўйғусини шакллантириш, уларда хуқуқий маданиятни ўтириши каби муҳим мақсадлар билан омухталиги туфайли ҳам эътиборлидир.

Икром БўРИБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси сўнги йилларда янги педагогик технологияларни татбик этишда намунали фаолият кўрсатмокда. Бунда, айниқса, Россия Федерациясида мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу соҳа бўйича яратилаётган янги-янги дастурлар, ўкув кўлланмалари билан танишиш, жорий этилаётган янги педагогик технологиялар ва инновацияларни ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш бўйича Москва таълим департаментига қарашли “Дошкольное детство” Маркази билан яқин алоқада бўлиб, турли мавзуларда семинарлар, учрашувлар ва анжуманлар ўтказиб келинаётган лотин ёзувига асосланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидлари”ни кенг ташвиқ ва тарғиб этиш борасида ҳамда республикамизнинг барча вилоятлари Халқ таълими. Бош бошқармаларида мунтазам ташкил этиб келинаётган кўчма курс машгулотларида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессори Суннатулла Ризаев ибратли фаолият келмоқда. Унинг “Ўкув мажмуаси” янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганувчиларга аскотмокда.

Суратда: Республика курси директори, II даражали “Соф-лом авлод учун” ордени совиндори Манзуро Солиҳова мактабгача таълим-тарбиядан янгиликлар бўйича профессор С.Ризаев (чапда) билан ўзаро фикрлашмоқдалар.

Устоз буок зот. Унинг номига қанча таҳсин ўқилса оз. Зоро, бу касб замонида улкан меҳнат, оғир машаққат, келажакни яратишдек масъулият ётади. Шу боис ҳам ҳалқимиз доимо мураббийга ўзгача хурмат-эътиборда бўлади.

Абдукарим Маткаримов ҳам устоз номини улуғлаб, эъзоз топиб келаётган фидойи, заҳматкаш инсонлардан. У киши Хива туманинг Чонашик қишлоғида туғилган бўлиб, илк бора мактаб остоносини ҳатлаган давр-дан ўзига илм ўргатган ўқитувчиларига, ўқитувчилар касбига меҳр кўйди. Албатта, ўқитувчилар касбининг ўзига хос машаққатларини

ҚАЛБ МЕЪМОРИ

ёшлиқдаётқан англаган А.Маткаримов табабалик даврида ҳам тинмай ўз устида ишлади, устозларидан билмаганларини қайта-қайта сўраб ўрганди.

Ўқитувчилар касбининг машаққатларини сезиб меҳнат қилган А.Маткаримовнинг эришган муваффақиятларини сезган вилоят ҳалқ таълими бошқармаси раҳбарлари учун ишга таклиф этишиди.

Мана, 30 йилдирки, у киши вилоят умумтаълим мактабларида таълим-тарбия мазмунини тақомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, ўқитувчиларга ўшлагидан касбхунар ўргатиб бориши мақсадида касбга йўналтирувчи синфлар, махсус устахонларнинг мактабларда ташкил этилиши, ўнлаб ишлаб чиқариш комбинатларининг вужудга келишида у кишининг амалга оширган ишлари эътиборлидир.

Бир сўз билан айтганда, Абдукарим ака ўз меҳнати билан элда эъзоз топган инсонлардан.

Икром Юнусов,
Хоразм ВХТБ бўлим бошлиғи,
ҳалқ таълими аълочиси

ӘВЕМГИР ЕДАИ ЧАК-ЧАК...

Устознинг ёрдамисиз қулига қалам одиб, “Она” сузини ёзиш ҳеч кимга насиб этмаган бўлса керак. Усмонали аканинг ўйидан ўнлаб китоблар олиб, вараклаб чиқсан, у кишининг дарсларга тайёрланиши жараёнини, дафтари варакларини тўлдириб, узок ўйга толганларини жуда кўп бора кузатган эсамда, мен ҳам 1-синфга борган вақтда ўқиши-ёзиши эпполмай юрганман. Усмонали акан менга дарс ўтади, қўшни муаллим доимо “5” баҳо қўяди, деб болаларча ўйлаб юрганман. Лекин буларнинг бари пуч экан. “Қўшни муаллим” юкори синфларга дарс ўтаркан. Нариги қишлоқда яшовчи, эндингина олийгоҳни битириб келган Ҳанифа опа (Худо раҳмат қўлсин) ҳар бирининг кулимидан ушлаб партага ўтказдилар. Жилдимиздан сиёҳ ручкаларни олиб, партага ўтига қўйдилар. Ва шу кундан бошлаб, биз кечагина шур тупроқ чангитиб, кўлоқчўзма ўйнаб, кимнингдир полизидан ҳандалак, қовун, тарвуз ўғирлаб юрган болалар бирданига ўдобли бола” — “ўқувчи” га айландик. Бизнинг наздимизда ўқувчи дегани билагон, ҳамма нарса қўлидан келадиган бола эди. Ўйлардикки, елкага жилд осиб, партага ўтирадиган бола булдикми, демак, биз ҳам ҳамма ишни қила оламиз, китобни шариллатиб ўқиймиз, дафтари тўлдириб ёзамиз. Лекин орадан кунлар, хафтага ўтса-да, биз бу баҳтга эришолмасдик. Ҳозирча ҳарфларнинг элементларини ёзиш, айримларини танишнинг ўзиёқ катта ютуқ ёканлигини тушунмасдик. Ҳали жилдларимиз сумкага, пероли ручкамиз авторучкага айланадиган кун келиши, бунинг учун эса яна вақт борлигини билмасдик. Чунки биз бола эдик, эртаклардагидек ҳамма ишнинг тез булишини хоҳлардик.

Бизнинг болаликда эшитганимиз эртак эди, достонлар эди. Гурӯглига, Алпо-

мишга, Кунтуғишига, Ҳасанхонга, Авазхонга, Равшанга ҳавас қилиб юрадик. Тайёрлов гурухлари ёки bogчага маълум бир тайёргарликни ўташ, китоб ва дафтари билан танишиши биз учун ёт эди.

Олтмишинчى йилларнинг адоги булса-да, бизга бундай кунлар насиб этмаганди. Биз қишлоқнинг кекса кампирларидан эртак эшишиб, онамиз ортидан далага чопиб юриб, мактабга бориб қолган бола эдик.

Ҳанифа опа... Илк ўқитувчим... Мен(биз) опанинг биринчи ўқувчисиман (ўқувчилик). Лекин опа бизнинг қалбларимизни шунчалар ром эттандиларки, ҳали турмушга чикмаган, фарзанд не эканligини билмайдиган опанинг бирданига ун икки нафар

Badia

боласи пайдо булганди. Бу болалар қисқа муддатда билимга, китобга меҳр кўйишиди. Бу болалар “Она”, “Ватан” сузларини ёза оладиган булишиди.

Ҳанифа опа қўшни қишлоқдан келардилар. Йўлда қишлоқ четида кутиб олардик. Навбат билан опанинг сумкасини кутариб, шух-шодон мактабга кириб келардик. Тутри, илк дамларда сумкани талашардик, ҳаммамиз ўқитувчи опамизга яхши куриниши ҳаркатида булардик. Лекин кейинчалик опа бизга - ўйлага чиқишидан қайтаришнинг иложи ни топа олмаганлардан сунг - навбат билан ўз сумкаларини кутаришни ўргатган эдилар.

Одам яшай бошлаганига эндингина йигирма йилнинг нари-бериси бўлган “Ишонч” қишлоғи, унинг табиати... Опа бир куни бизларни далага олиб чиқдилар. Юришини бошлаганимиздан бери у жойлардан балки минглаб марта ўтгандирмиз. Лекин ана шу куни бизга бошқа бир оламни очдилар. Чул янотги, шувоқ, шўра, қамиш, жингил, шур босган сўкмоқлар. Айнан мана шу ерлар — Сирдарё кенгликлари бизнинг Ватанимиз,

киндик қонимиз томган жой эканлигини тушунтиридилар. Йўқ, бу ҳисни — Ватан ҳиссини қалбимизга жойладилар. Шундан кейин ҳам опа бизларни яна кўп бора ана шу далалар, зовур буйларига етакладилар. Чул табиати, унинг гиёҳлари билан ошно этдилар. Меҳр уйғотдилар қалбимизда. Атрофдагиларга хурмат ҳиссиини ўйғотдилар.

Ўқитиши, билим бериши. Бу ўқитувчининг вазифаси. Лекин табиатга, тугилган кўчма бошқармаларида мунтазам ташкил этиб келинаётган кўчма курс машгулотларида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессори Суннатулла Ризаев ибратли фаолият келмоқда. Унинг “Ўкув мажмуаси” янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганувчиларга аскотмокда.

Бугун фарзандларим уз устозларига меҳр билан эргашилади. Биринчи ўқитувчиларини хурмат билан тилга олишади. Улар ўз устозлари ҳақида мароқ билан гапиришаркан, мен жонажон ўқитувчим Ҳанифа опа Ҳайитовани синфа, болаларнинг уртасида гул-гул ёнган ҳолда дарс ўтаетган ҳолатини кўз олдимга келтираман.

“Энди ручкаларни партага қўяшимиз. Бармокларимиз билан партани секин чертамиз. Қани, бошладик. “Биз чарчадик, ёмғир ёғди чак-чак”. Бармокларимиз ором олади. Вуждимизни ажаб бир ҳис чулғайди. Ва бу ҳис бизни умрбод тарк этмайди.

Рустам ЭМИН,
Сирдарё вилояти

ЯДРОВИЙ ҚУРОЛ ИШЛАТИЛИШИ МУМКИН

АҚШ ҳукумати террорчилар оммавий қирғин қуролларидан, хусусан, ядервий қуроллардан фойдаланишлари мумкинligини маълум қилди. Би-Би-Си мухбирининг айтишича, мамлакат раҳбарияти террорчиларни радиоактив моддалардан ясалган кўлбона портловчи қурилмаларни ишлатишиларидан хавотирда. Бойси, бундай қурол портлаган вактида 1000 кишини ўлдира олиши билан бирга, ўзи турган жойни радиоактив заҳарлаш қобилиятига ҳам эга. Шу боис, ҳозирда мамлакатдаги мавжуд 80 дан ортиқ атом электр станцияларида ҳам хавфсизлик чоралари кўрилган бўлиб, бундай иншоотлар атрофидаги 20 км. гача масофага ҳеч қандай самолёт яқинлашмаслиги ҳамда 5500 метргача бўлган баландликда парвозлар амалга оширилмаслиги кепро.

ШАРОН НАЗОРАТНИ ҚЎЛГА ОЛМОҚЧИ

Хориждаги яхудийлар жамиятлари раҳбарлари билан учрашуви чоғида Исройл бош вазири Ариэл Шарон фаластиналар билан олиб бориладиган барча музокараларга эндиликда шахсан ўзи раҳбарлик килишини маълум қилди. Шунингдек, у мамлакатга ташриф буюрган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр билан ҳам Яқин Шарқ можароси юзасидан учрашув ўтказди.

Испанияда бўладиган ҳалқаро иктисадий конференцияда эса Исройл ташки ишлар вазири Шимон Перееснинг Фаластинын раҳбари Ёси Арофат билан учрашиши эҳтимоли бор. Муҳторият вакилининг айтишича, Иордан дарёсининг гарбий қигондаги Тулкарм шахрида Исройл ракета хужумлари оқибатида бир фаластиналар, Калиниядада эса 2 нафар полиция ходими ҳалок бўлди.

МАСХАДОВ ВАТАНИДАН ЧИҚИБ КЕТМАЙДИ

Аслан Масхадовнинг маҳсус вакили Майрбек Вачагаев, Масхадов ва унга бўйсунувчи кишилар қурол-аслахаларини топшириб, хавфсиз холда республикадан чиқиб кетишлари эвазига террор ҳараратларига чек кўйилиши ҳақида тарқалган хабарни рад этди. Ундан аввалроқ эса, Россия Президентининг жанубий федерал округ бўйича ёрдамчиси Виктор Казанцев ҳамда Аслан Масхадов ўртасида бўлган музокара да “яшил коридор” яратилса айрмачилар Чеченистонни тарк этишга рози бўлишлари келишиб олинди, дея “Известия” газетаси хабар тарқатган эди.

Майрбек Вачагаев фикрича, жангарилар ҳеч қаерга чиқиб кетмайдилар, боиси шу замин уларнинг ватанлари хисобланади. Бушка бир манбаларга кўра, ушбу ҳудудда яшириниб юрган ҳалқаро террорчи Хаттоб Россиядаги ўз хунрезликларини давом этириш учун 2 миллион АҚШ доллари мукдорида маблағ ажратган.

КАПИТАН ЖАСАДИ ТОПИЛМАЯПТИ

Ўтган йили август ойда Баренц денгизи тубига сирли равишда чўйкан “Курск” атом сув ости кемаси бўйича текширувдан ўтказириб, организм билан ташувчи канал орқали боғланмаган ҳужайралар гурухи мавжудлигини аниқлadi. Улар без бўйлаб ўзига хос оролчалар

тарзида бир текис тарқалган. Фанга бу ҳужайралар гурухи Лангергенг ўн икки бармоқли ичакда қандайдир бир модда ҳосил бўлишини аниқлadi. У ичак деворларидан ўтиб, қонга кўшилади ва кон билан бирга ошқозон ости безига етиб келади. Улар бу маддани секретин деб номладилар ҳамда биринчи бўлиб “гормон” атасини киритилар. Гормон сўзи юон тилида “қўзатувчи” деган маънояни англатади.

Гормонларни ўрганган бир катор олимлар Нобель мукофотига лойик, деб топилгандар. Улардан кўпчилиги бир неча мартараб номзодлар рўйхатига киритилганлар. Бейлисс ва Старлинг номзодлари 1913 ва 1914 йиллари кўриб чиқилган бўлса-да, биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан Карабина институти қошидаги Нобель жамғармаси вактинча ўз ишини тўхтатганлиги сабабли олимлар меҳнатлари тақдирланмай қолиб кетди.

Физиология соҳасидаги назарий тадқиқотлар учнадан олимлар турган бир пайтада амалий натижалар тезда олимлар назарига тушди.

Швейцариялик хирург Теодор Кохер 1909 йили ёқалқонсимон без физиологияси, патологияси ва хирургияси соҳасидаги ишлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофот бекорга Швейцарияга “жўнаб кетгани” йўк.

Зоро, бу мамлакатнинг юқори

тадқиқотларидаги сув ми-
нерал моддаларга, хусусан,
йодга камбағал эди. Бунинг

натижасида қалқонсимон без

кattalaшиб, касаллик келти-
риб чиқарди.

Теодор Кохер 1883 йили

қалқонсимон без хирургияси

билан шуғулланди. Кохер қал-

қонсимон без физиологияси-
ни ўрганиб чиқиб, унинг орга-

нлизм ривожидаги аҳамияти-

ни кўрсатиб берди. Охир-

оқибат швейцариялик хирург

ушбу безни оператив йўл би-

лан даволаш усулини ишлаб

чиқди. Кохер бир неча минг

одамии шахсан ўзи операция

килди, унинг усули ёрдамида

даво топганларнинг эса сон-

санофи йўк.

1869 йили Паул Лангер-

санс ошқозон ости безини

гистологик текширувдан ўтка-

за туриб, организм билан таш-

увчи канал орқали боғлан-

маган ҳужайралар гурухи мав-

жудлигини аниқлadi. Улар без

бўйлаб ўзига хос оролчалар

килишган эди. Бир неча ўн

йиллар давомида олимлар

бесамар излаган модда эн-

дилидика кашф килинган эди.

Инсулин сабаб 1922 йил 23

январда 14 ёшли ўспирин ди-

абетик кома ҳолатидан чиқа-

рилди ва ҳаётни сақлаб қолин-

ди. Шундан бери кутқариб

қолингларнинг сони миллионларни ташкилди.

1923 йили Карабина ин-

ститути томонидан физиоло-

гия ва тибиёт соҳасидаги

Нобель мукофоти Бантинг ва

Маклеодга инсулини кашф

этгани ҳамда ажратиб олган-

чиқиб, унинг академик чиқи-

билидаги инсулинни ташкил-


ди. Бунингдек, у террорга қарши

разведка мавжуд

инсулинни ташкилди.

БЎЙИГА: 1. Тошкент шаҳридаги туман — Акмал...? 2. Буюк шоҳ ва шоир туғилган шаҳар. 3. Кыргиз халқ эпоси. 4. Мовароуннахр бошқача айтилиши. 5. Портловчи модда. 6. Бахт-иқбол. 7. Мукаммал. 8. Хазонрезги фасли. 9. Гул ўстириладиган сопол идиш. 10. Автомобилнинг энг асосий кисми. 11. Соннинг ёзувдаги ифодаси. 12. Шуъла, зиё. 13. Расм. 14. Эҳромлар мамлакати. 15. Ҳожилар кийими. 16. Эпчил, чаққон. 17. Ўзбегим автомобили. 18. Суддаги "окловчи". 19. Хабар, янгилик. 28. Ҳўжалик раҳбари. 29. Франция футбол жамоаси. 31. Швеция юқ автомобили. 32. Туркманистондаги қадимий шахар. 34. Пойдевор тоши. 35. Эрталабки майин шабада. 36. Дил, юрак. 37. Аллоҳнинг кули. 39. Узун эмас, калта. 40. Суюқлик ҳажм ўлчов бирлиги. 43. Фарёд, нола. 47. Каршилик ўлчов бирлиги. 53. Маҳс қилувчи ичимлик. 54. Гина-адоват. 56. Ўзбегойим Кумушга берган сифат. 57. Европача мусикий асбоб. 58. Испанча рақс. 59. Турли хил аукцион ва савдолар ўтказиладиган жой. 60. Илмли аёл. 61. Қўйлар тўдаси. 63. Ўт, олов. 64. Суяқда тўпланадиган ёғ. 65. Иккинчи мусикий нота. 67. Аёл маъбуда, худо. 71. Россияда чиқсан биринчи газеталардан бири. 72. Машхур Сянган актёри Брюс... 73. Кўплаб буюк санъаткорлар ватани бўлган Фаргона водийсидаги гўзал шаҳар. 74. Тариқа, асно. 75. Номус, ғурур. 77. Ҳарбий машина. 78. Бухоро вилоятидаги туман. 80. Қирдан баланд тогдан паст. 81. Заҳарли жонивор. 82. Велосипед "танаси". 83. Машхур немис файласуфи, "Фауст" муаллифи. 85. Пул. 86. Уруғи топилмайдиган күш. 88. Секин. 89. Ўзбегим машинаси. 90. Сицилия оролидаги машхур вулкан. 91. Намозга чорлов садоси. 98. Кичик оғирлик ўлчов бирлиги. 99. Мушк — ... 100. Белбог, артиш мосламаси сифатида кўлланиладиган оқ мато. 101. Қўшиклар биринчилиги — хит... 102. Қадимий курол тури. 103. Якка, ягона. 104. Дурадгор асбоби. 105. Спирт-ли ичимлик. 106. Мол, қўй ва бащоқ түёкли жониворларнинг умумий номи. 107. Тулпор зоти. 108. Подшоҳ маслаҳатчиси. 109. Туркиядаги машхур шаҳар. 110. Дон Қиҳотнинг дўсти. 111. Зиравор тури. 112. "Равшан" достонидаги полвон каллардан бири. 114. Савдо-сотик жойи. 120. Мато қийқими. 133. Отамнинг ака-укалари. 134. Япониядаги шаҳар. 136. Саводли, илми бор. 137. Шоҳруҳоннинг севикили ёри. 139. Ҳамма нарсага кучи етадиган. 140. Ташки кўриниш. 142. Куй, наво. 143. Аза. 145. Мактаб столи. 146. Покиза. 147. Юртимиздаги ўшлар ижтимоий ҳаракати. 148. Мухаббат, севги. 149. Онг, заковат. 151. Разиллик, тубанлик. 156. Мумтоз мусиқа. 158. Ақлли, зукко. 159. Ҳайвонларнинг темирдан қилинган ошёни. 160. Пайғамбар, набий. 161. Хориж ўсимлик ёғи русуми. 162. Хоразмча рақс. 163. Махоратли. 164. Томон. 165. Хур, озод. 166. Давлатларнинг сиёсий... и. 167. Ўқ автомобили.

РЕКОРД



СОВРИНЛИ СУПЕРКРОССВОРДИ

168. Ёзма арзома. 169. Салла. 170. Кадимий транспорт. 171. Ширин, мазали. 172. Инсон кафш этган нур. 173. Транспорт тұхташ жойи. 186. Хинд күшикчиси. 192. Жароҳат. 194. Кўрсатиш олмоши. 195. Саводсиз ўқимаган. 197. Бургут. 198. Ақл, фаросат. 200. Фармон, бўйруқ. 201. Пардоз, зеб. 203. Асал. 204. Сулаймон ўлди —лар кутилди. 206. Тез қотувчи қурилиш ашёси. 207. Ота (шевада). 208. Мазах, кулги. 209. Азон айтиш жойи. 211. "Граждан" сўзининг ўзбекчаси. 212. Тарз, асно. 213. Италия футбол клуби. 214. Темир одам. 215. Ботир, мард. 216. Радио кашфиётчиси. 217. Миллий мато. 218. Илгари, олдин. 219. "Куллар", "Одина" асрлари муаллифи. 220. Тасма, белбог. 221. Нутқ сўзловчи. 222. Бўй-суниш. 223. Сакич тури. 224. Тошкент шахридаги драма театри — ...Хидоятов номида. 225. Машрабнинг машҳур фазали. 226. "Чархпалак"даги Эгамкул —Мирходиев. 227. Булок. 240. Дарага қўшилувчи жилга. 246. Немис, германиялик. 249. Ост. 250. Қасам. 252. Дастрлабки, бошлангич. 253. Волида. 255. Хаё, иффат. 256. Нон тури. 258. Иш ҳужжати. 259. Маърифат, билим. 261. Мотам. 262. Кайхисравнинг яир номи. 264. "Милиция"нинг қадими номи. 265. Футбол мураббийи. 266. Ҳарбий хизмат. 267. Қозоклар "Афанди"си — ... кўса. 268. Ҳурмат, эъзоз. 269. Чикинди. 270. Накл, халқ оғзаки ижоди намунаси. 271. Кийим. 272. Полиз маҳсулоти. 273. Кино... мульт.... 274. Машҳур япон фирмаси. 275. Қадимий овқат тури. 276. Турк фирмаси (озик-овқат саноати). 277. Греция пойтахти. 278. "Морена ..." телесериали. 279. Таракқиёт. 280. Мисрдаги энг катта университет. 281. Тошкент шахридаги мавзелардан бири. 282. Пенция. 301. Буг. 302. Дунёдаги энг муқаддас зот. 304. Дунёдаги энг узун тоф. 305. Рикки Мартин қўшиғи "Гол, гол, гол..." 307. Ука. 308. Рост. 310. Баъзи ҳайвонлар аъзоси. 311. Ҳайвон эркаги. 313. Пуфлаб чалинадиган миллий мусиқа асбоби. 314. Қозистон ва Россиядаги дарё. 316. Сирдарё дарё. 318. Инсонлар кашф этган ақл-заковат қобиғи.... сфера. 319. Аждод, уруғ. 320. Директор. бошлиқ. 321. Машҳур футболчимиз —Хасанов. 322. Қадимий мато тури. 323. Карвонсарой ёки Марокаш пойтахти. 324. Дарс. 325. Гулзор. 326. Камёб, ноёб. 327. Пайғамбарлардан бири. 328. Рус аёллар исми. 329. Катта нон тури. 330. Мустаҳкам, чигилган ип. 331. "Маҳобхорат"даги машҳур камонбоз. 332. Сўз туркумларидан бири. 333. Мусикада лад тури. 334. Эртапишар сабзавот тури. 335. Мазмун. 341. Ўзбек киноижодкорлари ишлаган кинокомедия. 342. Миллий рақсбог куй. 355. Ош (палов)га ўч. 356. Ўзбекистоннинг биринчи ракеткачи қизи исми. 358. Кўзгу ёки дераза. 359. Эътиқод, диёнат. 361. Қимматбахо металл. 362. Маълум

сўзни ифодалаш учун қўлланган сўзлар мажмуи. 364. Ёввойи от. 365. "Майсаранинг иши" (Хамза)даги Чўпоннинг севикили ёри. 367. Газета ёки журнالга ёзилиш. 368. Ақл, фаросат, онг. 370. Қиши зиннати. 371. Табиий чукурлик. 377. Органик биримларни синфларга ажратишини таклиф қилган француз олими. 379. Ускуна. 380. Мангу, абадий. 381. Кўнгилли қон берувчи. 382. "Робинзон..." (Д. Дефо). 383. Кир, исқирт. 384. Оғайним, дўстим. 385. Воажаб. 386. Мевага номдош аёллар исми. 387. Ҳодиса. 388. Сирли ип. 389. "Ароқ"нинг русчаси. 390. "Туз"-нинг форсчаси. 391. "Сир"нинг кўплиги. 392. Қолилларга кўйилган бетон қоплами. 393. Сабзавот ва экинлар етишириладиган экин майдони. 394. Ушалмаган орзу. 395. Шириналлар мажмуи. 401. Алла Пугачёваннинг эри, кўшиқчи. 414. Миқдор, тираж. 415. Бандаргоҳ. 417. Кир ювиш кукуни тури. 418. Италия футбол клуби. 420. Вақт ўлчови бирлиги. 421. Қайиқнинг каттаси. 423. Тонгти шабада, насим. 424. Дон тури. 426. Саудия Арабистони пул бирлиги (руска). 427. Илмли, доно. 429. "Ваня"-нинг катта бўлгандаги исми. 430. Актёр.... Рафиқов. 431. Озгина. 433. Дедал ва 436. Ёш бола пардози. 437. Кўёвнинг йўлдоши. 439. Йиртқич балиқ. 440. Икром. 442. Кутилмаган баҳт. 443. Бол. 445. Шайтони.... 447. Ол, ушла. 449. Чиройли сўзлаш. 451. Дурадгор асбоби. 452. Бобур дағн қилинган шаҳар. 454. Уя, ошён. 456. Лаҳза. 458. Қимматбаҳо тош. 459. Тубан, ярамас. 461. Ҳалқ номи. 462. "Ширин"нинг акси. 464. Ҳижрий-қамарий ой. 465. Жума куни тугилган қиз. 466. Амал, лавозим. 467. Байрам. 469. Тутқун. 471. Лаззат, дам. 474. Мансаб, лавозим. 476. Жуда ҳам кўп. 477. Қалб мактуби. 478. Ортиқча ташвиш. 481. Қадимги Мисрда кўёш худоси. 483. "Нефти" футболчиси. 485. Атлантика океанига тегишилди. 486. Ёв, душман. 488. Бир қоп ун, ичдиа устун. 499. Фараз, кўра олмаслик. 490. Типратикан. 491. Фаришта. 493. Шабададан кучли. 495. "Кавинтон Кросс" қаҳрамони. 496. Эси паст, довдир. 499. Ижодий маҳсулот. 500. Европа пул бирлиги. 503. Инсон. 504. Швейцария пойтахти. 507. Тожикистандаги туман. 508. Инсоннинг туғилганидан ўлимигача бўлган давр.

ЭНИГА: 3. Риёзиёт фанининг мутахассиси. 8. Тепкли қайик. 13. "Сайқали рўйи замин" бўлган шаҳар. 20. Чингиз Айтматовнинг машҳур романи. 21. Қийик. 22. Шарқона куаш тури. 23. Fam, алам. 24. Энг узун дарё. 25. Конунни химоя қилувчи орган. 26. Исми, номи. 27. Мукимиининг ҳажвий шеъри. 30. Ота-онадан эрта ажраган. 33. Сабр, тоқат. 36. Гўр. 38. Ақлли аёл. 41. Кир ювиш кукуни номи. 42. Ҳамд. 44. Дард, қайғу. 45. Қават-қават сабзавот тури. 46. Пойтахтимиздаги меҳмонхоналардан бирини қурган мамлакат. 48. Қанд тури. 49. Эркин, хур. 50. Лаззат, ором. 51.

Ор, фурур. 52. Газлама. 53. Буржлардан бири. 55. "Ўзингга... кўрган нарсангни дўстингга ҳам... кўр" (Ҳадисдан). 58. Махаллий врач. 60. Кўркам. 62. Куръонни ёд олган. 66. Бухоро вилоятидаги туман. 68. Испания футбол клуби. 69. Ўхшов. 70. Тасавуфдаги 2-босқич. 73. Ероғи транспорти. 76. Россиядаги дарё. 79. От гўштидан тайёрланадиган таом. 82. Латвия пойтахти. 84. Автомобиль кечқурўн "уҳлайдиган" хона (руска). 87. Баҳорнинг биринчи ойи. 90. Отнинг укаси. 92. Он, вақт. 93. Куруқ мева. 94. Ичга ютиладиган ҳаво. 95. Айш. 96. Пахта ўсимлиги. 97. Йиртқич тун куши. 98. Пойтахтимиз радиостанцияларидан бири. 101. Қоғоздан тикилган харажат "сумка"си. 104. Соғлик учун фойдали ўсимлик. 107. Ҳар ким, ҳар куни килиши керак бўлган амал. 110. Хорижий ҳаммом. 113. Келишган, гўзал, 115. Ҳайқириқ садоси. 116. Тўтиқуш тури. 117. Падари бузруквор. 118. Кичик ўғил. 119. Сўқмоқ. 121. Бобурнинг невараси. 122. Эпик турга хос катта асар. 123. Буюк шоир - Усмон... 124. Қабристон. 125. Ҳам дарё, ҳам қишлоқ, ҳам овқат, ҳам туман. 126. Ўзбек эрқаклари исми. 127. Аргентиналик машҳур дарвозабон (футбол) — Карлос... 128. Математик атама. 129. Либериянинг юраги бўлган машҳур футbolчи. 130. Бошдаги тук. 131. Тилло, зар. 132. Германия пул бирлиги. 135. "Ёввойи ит..." (кинофильм). 138. Ҷақалоқ тўйи. 141. Чекланган мөтёр. 144. Жуда ҳам оқ. 147. Теннис майдони. 150. "Лисонут - ..." (Навоий асари). 152. Чошгоҳ пайтида очилувчи гул. 153. Ёпиниладиган жун мато. 154. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 155. Катта буви. 157. Ўзбек видеофильми. 159. Баъзи давлатларда давлат бошлиғи. 162. Математик атама. 165. Ҳалқ оғзаки ижодиётини жанри. 168. Калтакесак тури. 171. Қатъий кўйилган истак. 174. Балиқ тури. 175. Катта ўғил (кичикларига нисбатан). 176. Юз йил. 177. Мукофот, эваз. 178... -де-Жанайро. 179. "Оғир"нинг акси. 180. Фиску... 181. Оғу. 182. Қўшиқчи... Қаюмов. 183. Имо... 184. "Темур ...лари" асари. 185. Эшикни беркитиш учун эшик ортига қистириладиган тахта ёки темир. 187. Пойтахти Лондон — ...лия. 188. Ҳаҷорёлардан 4-чиси. 189. Шикоят. 190. Автомобиль қисми. 191. Қийналиш. 193. Автомобилнинг ичкари ўтириш қисми. 196. Увол қилиш. 199. Ибодат. 202. Велосипед фидираги. 205. Ўрнак. 208. Велосипед русуми. 210. Бало. 213. Франция пойтахти. 216. Чехия пойтахти. 219. Қадимда ҳукумат әгалари - ...и давлат. 222. Бирор маълумотга кўшимча. 225. Туянинг ёғ тўпландиган устки қисми. 228. "Рамаяна"да девлар мамлакати. 229. Тамом, охир. 230. ... - дод. 231. Таг қисм. 232. Санок сон. 233. Шоир... Қосим. 234. Бошқотирма тури. 235. Ош. 236. Шолча. 237. Баъзи нарсалар сақланадиган жой. 238. Юзини ажин босган. 239. Чиқимнинг

акси, тушум. 241. Пардоз маҳсулоти. 242. Ҳашарот тури. 243. Боғловчи (мумтоз адабиётда). 244. Ака. 245. Дам, ором, лаззат. 247. Тўтиқуш тури. 248. Майдон саводогар. 251. Севишганларнинг бир-бирига етишиши. 254. Узок, олис. 257. Патир оламга... 260. Ичига расм солиш учун мўлжалланган тўртбурчаксимон таҳта. 263. Чипор. 264. Шоҳмотдаги зафар сўзи. 266. Машҳур детектив ёзувчи, адиба... Кристи. 269. Машҳур давлат арбоби... - Икромов. 272. Шеърдаги асосий мезонлардан бири. 275. Термин. 278. Кўпайтириш жадвали. 281. БМТнинг русча талқини. 283. Тўлиқ ишониш. 284. Шахмат донаси. 285. Ишора. 286. Спорт тўшаги. 287. Башорат. 288. Ўтакетган баҳил. 289. Ёрдам, кўмак. 290. Тахаллус ёки иккинчи ном. 291. Санчаки. 292. Қовун нави. 293. Руҳлар. 294. Ўзумдан тайёрланадиган шарбат. 295. Икки ўт...сида. 296. Олхўри. 297. Табиий гўзаллик меваси. 298. Ҳол. 299. Цирк майдони. 300. Барг. 303. Қирғизистондаги вилоят. 306. Камзил. 309. Туркиядаги шаҳар. 312. Жаннатий мева. 315. Япроқ. 317. Хорижий эстрада гурухи. 319. Кавказдаги миллат. 322. Жойхат ёки манзилгоҳ. 325. Коса, пиёла ясаладиган ашё. 328. Ўзбекистонда севимли чой. 331. Баъзи 334. Улубек замондоши, олим. 336. "Орқа"нинг акси. 337. Она, ая (шевада). 338. Қимматбаҳо тош. 339. Германиядаги кўмир ҳавзаси. 340. Далил. 343. Хорижда аёлларга мурожаат сўзи. 344. Торли миллий мусиқа асбоби. 345. Куч-куват. 346. Интизор. 347. Уй жихози. 348. Ноҳақ талаб. 349. Сингилдан каттаси. 350. Волга дарёси ирмоғи. 351. Руҳсат, ижозат. 352. Қадимий финикийлар тилида Осиё. 353. Само, фалак. 354. Инсоннинг энг семиз аъзоси. 357. Савдо... 360. Машҳур актёр - Чак... 363. Қатиқдан тайёрланадиган яхна ичимлик. 366. Нашр этувчи. 369. Русчада "муддат". 372. Буржлардан бири, қовға. 373. Тестлар тўплами, журнал. 374. Муҳит, теварак. 375. Ҳиндистон шарқидаги дарё. 376. Махачкалаъланинг футbol клуби. 378. Ҳийла, найранг. 380. Уй ҳайвони: куш. 383. Христиан черковидаги тасвирлар. 386. "Мех-

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
ЎзДЖТУ ҳалқаро журналистика факультети 1-курс талабаси.

Газетамизнинг шу йил 31 октябрь сонида берилган «Баҳодирлар оққати» кросскордининг жавоблари:

ЭНИГА: 1. Камалак. 6. Эътиқод. 10. Ислом. 12. Ереван. 14. Афсона. 17. Бар. 18. Осмон. 21. Зич. 22. Арман. 24. Бўтқа. 25. Тол. 26. Рио. 27. Дор. 28. Каноп. 29. "Дэмон". 30. Теша. 33. Ота. 35. Кран. 37. Жануб. 40. Кашта. 42. Укки. 43. Мангу. 44. Тонир. 45. Намат. 47. Булут. 49. Янга. 51. Соч. 53. Алик. 56. Болта. 57. Идрис. 59. Мир. 60. Мен. 61. Нав. 62. Дудук. 63. Парад. 64. Лео. 65. Анора. 68. Онт. 69. Бартес. 72. Сарбон. 75. Асака. 76. Шеробод. 77. Ростгўй. **БЎЙИГА:** 2. Мэр. 3. Лев. 4. Кино. 5. Олим. 6. Эман. 7. Тос. 8. Қон. 9. Наботот. 11. Мичурин. 12. "Ералаш". 13. Етмак. 15. Олтин. 16. Азадор. 19. Сарпо. 20. Озода. 23. Нанду. 24. Бомба. 31. Елкан. 32. Ажина. 34. Танго. 35. Катта. 36. Араби. 38. Ном. 39. БМТ. 40. Куб. 41. Шол. 46. Ахлоқ. 48. Укроп. 49. Яхмалак. 50. Гирдоб. 51. Саман. 52. Чинор. 54. Лондон. 55. Коваток. 56. Бедор. 58. Сароб. 65. Асад. 66. Олам. 67. Асар. 70. Амр. 71. Тиб. 73. Рус. 74. Онг.

СПОРТЧИЛАР
КУРАШГА ШАЙ БҮЛДИ

Грэция пойтахти Афина шахрида 5-10 декабря күнләри юон-рум курашы бүйича жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Айни кунларда юртимизнинг юон-рум курашилари мусобабага тайёргарлик кўришмод. Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини Е. Ерофилов, Д. Орипов, Р. Бекяков, Ю. Витт, Б. Курбоновлар химоя этадиган бўлди.

Таркибининг олдиндан аниклиниши яхши, демак натижаларни вакт кўрсатади.

СПОРТ
ГИМНАСТИКАСИ

Хафтанинг пайшанба куни Бельгиянинг Гент шахрида спорт гимнастикаси бүйича жаҳон чемпионати бошланди. Үнда дунёнинг сара спорчилари билан баравар ҳамюртларимиз ҳам қандай тайёргарликка эга эканликларини кўрсашиблокда. Энг қизиги, жаҳон чемпионати 5 ноябрда якуланади. Спорчилари миз, эса албатта, медаллар шодаси билан қайтади.

ИККИ КУМУШ, БИР
БРОНЗА ҲАМ
ЮРТИМИЗДА

Россиянинг Новосибирск шахрида бокс бўйича "Олтин ринг" халқаро турнири ўз ишоясига етди. Ўнга яқин давлат вакиллари қатнашган бу мусобабақада иккни нафар ҳамюртларимиз кумуш, яна бирни бронза медалини кўлга киритди. 48 кг вазнда Р. Улуғов финалда россиялик А. Асаняннинг имкониятни бой берди. 81 кг вазнда эса Бердиеев яна россиялик А. Макеренковга ютказмб кўйди. Шунингдек, А. Раҳимов (57) эса яна финалда бронза медалини кўлга киритди. Нима бўлганда ҳам юртодoshларимиз медаллар билан қайтишиди.

ШУ КУННИНГ ЎЗИДА
2,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР
АЖРАТИЛДИ

Кече Лондонда ФИДЕ ўшумаси шоҳмот бўйича ўтказиладиган "Гран-при" турнирларининг нуфузини оширишга багишланган матбуот анжумани ўтказди. Келгуси йилдан бошлаб ташкиллаштириладиган бешта мусобақага "Октагон" ҳамда "ФИДЕ-Комерц" корпорациялари ҳомийлик киладиган бўлди. Уларга эса шу куни 2,5 миллион АҚШ доллари мукофот сифатида ажратилди.

ҲАМЮРТЛАРИМIZ
ЕВРОПАДА

У-шу (кунг-фу) спортининг жаҳон чемпионати Еревандада бўлмаслиги ҳақида маълумот таркабиладиган эди. Арманистондаги у-шу спорт тури рахбарлари эса баридир ЖЧни ўтказишига карор қилди. Жаҳон чемпионати беллашувлари бугун бошланади.

Голиб ва совриндорлар эса 5 ноябрда аникланди. Бунда ўзбекистонлик у-шу чилилар ҳам иштирок этади.

maydonchasi

БҮЮК КИШИЛАР
ҲАЁТИДАНЎЗ НОМЗОДИМНИ ҚАЙТАРИБ
ОЛАМАН...

Кунлардан бир кун америкалик машҳур физик Эдисон Эйнштейнга ҳасрат қилди:

—Мен ўзимга ҳечам ёрдамчи тополмаяпман да. Ҳар куни ҳузуримга қанча-қанча ёшлар келиб кетади-ю, аммо бирортасиям тўёри келмайди.

—Лекин сиз уларнинг қобилиятини қандай аниқлаб, биласиз?

Шунда Эдисон унга ўзининг саболлари ёзилган бир варажни кўрсатди.

—Кимда-ким мана шуларга жавоб беролса, ўша менинг ёрдамчим бўлади-да,—деди у.

—Нью-Йоркдан Чикагогача неча миль?—ўқиди Эйнштейн, сўнгра жавоб қайтарди: —Бунинг учун темир йўллар ҳақидаги қўйлланмани қараб кўриш керак. —Занглаамайдиган пўлат қандай ҳосил қилинади?—Буни дарсликдан билиб олса бўлади...

Қолган саболларга у шоша-тиши кўз ташларкан, деди:

—Сизнинг рад жавобингизни кутмасдан, мен ўз номзодимни қайтариб оламан...

ШУНЧА ФРАНЦУЗЧА СЎЗ!!!

Венгриялик физик Лео Силард ўзининг биринчи докладини францууз тилида қилди. Доклад тугараж, ҳамкасларидан бирни ундан сўради:

—Айтинг-чи, Силард, ўзи қайси тилда доклад қилдингиз?

Хижолатда қолган Силард дарҳол ўзини ўнглаб олиб, жавоб қайтарди:

—Венгер тилида-да, наҳотки, сизга тушунарсиз бўлган бўлса?

Унинг сўхбатдоши берилган бу зарбани қайтармоқчи бўлди:

—Мен-ку тушундим. Лекин нега сиз француузча сўзларни бунча кўп қўшиб гапирдингиз?

ЧАП ҚЎЛИ ҲИС
КИЛМАС ЭКАН...

Машҳур францууз композитори, қўплаб опералар, симфоник асарлар, иккиси юздан ортиқ қўшиқлар муаллифи Жюль Массне ўз даврида мусиқа соҳасида катта нуфузга эга бўлганди. Консерватория ўқитувчиси кўпдан кўп талабаларга дарс берган ва улар ўз устозларининг мусиқий заковатини дилларига жо қилишганди.

Кунлардан бир кун Парижнинг олий табакасидан бўлган бир аёл унинг ҳузурига қизини олиб келди ва қизига композитор олдида рояль чалишини буюорди.

—Қизингиз,—деди Массне,—худди Библияниң васиятларига амал қилиб чалаётганга ўхшайди-я.

—Сиз унинг қобилиятини бор экан демоқчисиз-да?—сўради онаси завқка тўлиб.

—Йўқ, асло,—деди Массне,—мен айтмоқчиманки, унинг чап қўли ўнг қўли чалаётган нарсани ҳис қилмас экан.

Францууз тилидан
Феруза НУРИДДИНОВА таржимаси

Ma'rifat

ТАССИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба үюнмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Халим САЙДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жумана зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТКУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурулан УСМОНОВ, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашириёт-матбаба акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-ўй

«Ма'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Рентиш компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Курбонбой МАТКУРБОНОВ.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рагам билан 12 июнь 1998 йил

рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-3017.

Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 8 босма табоб, Оффсет усулида босилган, қофоз бичими А-3.

Босишига топшириш вақти — 20.00.

Топширилди — 20.00.

ШОКОЛАДДАН
ПИКАССО

Кёльнда дунёдаги энг катта ва бир неча миллион доллар турувчи Пабло Пикассо нинг шахсий тўплами тайёрланди.

Шоколад қироли Петер Людвигнинг беваси шаҳар музейларидан бирига рассом Пикассо ижодидан иборат 774 та ишни тақдим этди. Мана шундан кейин Гарбий Европанинг тасвирий санъат бўйича пойтахти деб эътироф этилган Кёльн шаҳри Пикассо мўйқаламига мансуб ажойиб коллекция билан мақтаниши мумкин бўлиб колди. Лекин Кёльн шаҳри Пикассо асарлари энг кўп бўлган дунёдаги учинчи шаҳардир. Париж ва Барселонада эса рассомнинг бундан ҳам кўп асарлари жой олган музейлар бор.

Тақдим этилган суратларнинг 49 таси майда ишланган, 29 та керамик ҳайкал, 37 та қоғоздаги суратлар, 15 та ўймакорлик ишлари, 681 таси эса гравюра жанрида.

Бу ишларнинг барчаси Людвиг музейида вақтнинчалик фойдаланиш учун турибди. Совганинг аниқ микдори белгиланмаган. Шуниси бор гапки, Пикассо нинг 49 та полотноси ҳақида 100 млн. доллар миқдорилик иш, деб айтиш мумкин. Петер Людвиг 1976 йилда 300 тага яқин санъат асарини Кёльнга тақдим этган эди. Мана шу картиналар асосида Петер Людвиг музейи ташкил топган. XX аср Европа санъатининг энг яхши жамламаларидан бири мана шу музейда сакланади.

1994 йилда ҳам Людвигнинг беваси музейга бир неча таникли санъат асарларини совфа қилган эди. Пикассо 1923 йилда яратган "Арлекина", 1941 йилда тутагатилган "Артишокли аёл" шулар жумласига киради. Бу совгалар, албатта, арzon эмас. Людвиглар ҳозир бутун бошли асарлар сакланадиган бино ўрнида XX асрдаги энг катта санъат асарлари жамланган иншоот барпо этишмокчи.

Петер Людвиг урушдан кейинги йилларда аникрофи, 1951 йилда кондитер саводси билан оиласи шуғулланиши бошлаган эди. Лекин бир умр рассомчилик маҳсулни бўлган санъат асарларини йикқан. Унинг коллекцияси дунёдаги энг бой коллекциялардан хисобланади. 200 минг атрофидаги экспонатлар орасида Кадимги Юнон давлатига тегиши бўлган кўзалар, тилла инклар, кумуш ашёлардан тортиб, модернизм ва поп-арта услубида яратилган асарларгача бор.

Людвиглар оиласи факатина Кёльндаги музейга эмас, балки Аахендаги замонавий санъат музейига, Базалдаги қадимги давр музейига анчагина қийматта эга бўлган экспонатлар топширишган. Будапештда ҳам, Венада ҳам, ҳатто Пекиндаги Хитой бадиий галереясида, Санкт-Петербургдаги рус музейида ҳам Петер Людвиг коллекциясида бўлган турли-туман санъат асарлари мавжуд.

Ш.МАДРАХИМОВА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба үюшма қўмитаси ва ҳукуқшунослик факультети жамоаси шу факультетнинг ходими Шермуҳаммад Юсупович Юсуповга отаси

Юсуп ота ИСМАНОВнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.